қараб тўпни тезликда 3 ёки 4-зонага узатади. 3 ва 4-зона ҳужумчилари ўзаро кетма-кетликда ҳаракат қиладилар. Рақиб жамоасининг тўсиқ қўядиган ўйинчилари эса 4-зонага тезликда узатилган тўпга тўсиқ қўйишга улгуролмайди. Бунда яна бир нарсага эътибор қаратиш керакки, тўп узатувчи ўйинчи тўпни тўр бўйлаб 1 м баландликда аниқ тўп узатишни амалга ошириши лозим.

Юқоридаги фикрларни ўрганиб таҳлил қилган ҳолда тўпга тезлик бериб узатиш (**прострельные**) ва **икки темпли қисқа** (короткий) тўп узатишлар орқали ўйин олиб боришни мусобақаларда кузатидик. Яъни тўп қабул қилишдаги хатоликлар эвазига энг кўп тўп узатиш 4 ва 2-зоналарга узатиладиган тўплар кўп фоизни ташкил қилишини инobatга олган ҳолда тактик вазифалар белгилаб олинди.

Кузатувларимизга кўра бундай тўп узатишлар бошқа тўп узатишларга қараганда самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди. Бунда биз яна бир нарсани эътиборга олдик, яъни қисқа узатилган тўпларни амалга ошириш учун жамоа ҳужумчилари катта тезлик ва баланд сакровчанлик каби қобилиятларга эга бўлиши лозим. Ўрта бўйли волейболчилар, баланд бўйли ўйинчиларидан антропометрик, яъни бўй тана кўрсаткичлари бўйича фарқ қилиши, эвазига тез ва икки темпли қисқа тўп узатишдаги ўзаро тактик комбинациялар орқали ўйин олиб бориш стратегияси таклиф қилинади. Ана шу ўрганиш ва таҳлиллардан келиб чиқиб жамоанинг нуфузли мусобақаларга тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Жадвалдан кўриниб турибдики жамоа ўйинчиларни ҳар тамонлама маҳоратлари ошган, турли тўп узатишлар кўрсаткичи жамоани ўзаро тактик ҳаракатларни маҳорат билан амалга оширганлигини тасдиқлайди. Педагогик тадқиқотдан сўнг бўлиб ўтган ўйинлар видеога тасмага ёзиб олиниб таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

**Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатида тўп узатиш самарадорлигини таҳлили**

№	Ўрганилган тўп узатиш турлари	Бир ўйин давомида узатилган тўплар сони	Тўп узатиш самарадорлиги				
			4-зона	3-зона	2-зона	Очко ютган тўплар сони	Самарадорлик %
1	Оддий (баланд, ўрта)	63	33	6	24	46	73,1
2	Тезликда (4-зонага, прострельные)	48	31	-	17	37	77,8
3	Қисқа (короткий)	29	6	20	3	19	65,5
4	Тўлқин (волна)	17	10	7	-	11	64,7
5	Икки темпли	21	-	13	8	15	71,4
	<b>Жами</b>	<b>178</b>	<b>80</b>	<b>46</b>	<b>2</b>	<b>128</b>	<b>71,9</b>

Бир ўйин давомида жами 178 та турли зоналарга ҳужум учун тўп узатилган. Шундан 4-зонага 80 та, 3-зонага 46 та, 2-зонага 52 та тўп

узатилган. Турли зоналарга узатилган тўплардан очко келтирилган тўплар 128 тани ташкил қилиб, самарадорлик 71,9% ни ташкил этган.

Ўрганилган ҳаракатларнинг мусобақаларда тўп узатишлари қуйидагича бўлган:

Оддий тўп узатиш (баланд, ўрта) бир ўйин давомида (3 бўлимда) жами узатилган тўплар сони 63 та бўлиб, 4-зонага 33 та, 3-зонага 6 та 2-зонага 24 та тўп узатилган. Шундан очко келтирган тўплар сони 46 та, самарадорлик 73,1 фоизни ташкил этган.

Тезликда узатилган тўп (прострельные), бир ўйин давомида жами 48 та бўлиб, 4-зонага 31 та, 3-зонага тўп узатилмаган, 2-зонага 17 та тўп узатилган. Шундан очко келтирган тўплар сони 37 та, самарадорлик 77,8 фоизни ташкил этган.

Қисқа тўп узатиш (короткий), бир ўйин давомида жами 29 та бўлиб, 4-зонага 6 та, 3-зонага 20 та, 2-зонага 3 та тўп узатилган. Шундан очко келтирган тўплар сони 19 та, самарадорлик 65,5 фоизни ташкил этган.

Тўлқин тўп узатиш (волна), бир ўйин давомида жами 17 та бўлиб, 4-зонага 10 та, 3-зонага 7 тўп, узатилган, 2-зонага тўп узатилмаган. Шундан очко келтирган тўплар сони 11 та, самарадорлик 64,7 фоизни ташкил этган.

Икки темпли тўп узатиш бир ўйин давомида жами 21 та бўлиб, 4-зонага тўп узатилмаган 3-зонага 13 та, 2-зонага 8 та тўп узатилган. Шундан очко келтирган тўплар сони 15 та, самарадорлик 71,9 фоизни ташкил қилган.

Биз тамонимиздан олиб борилган кузатишлар ўз самарадорлигини исботлади. Тўпга тезлик бериб узатиш (**прострельные**) ва **икки темпли қисқа** (короткий) тўп узатишлар бошқа тўп узатишларга қараганда самарали эканлигини кўрсатади.

Кузатишлар жараёнида олинган натижалар мураббийлар учун тўп узатувчи ўйинчилар тайёргарлигини ривожлантиришда, тезликда тўп узатиш (прострельные) ва икки темпли қисқа (короткий) тўп узатиш мақсадга мувофиқ бўлиб рақиб жамоани тўсиқ қўйишларини қийинлаштиришини самарали амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Айрапетьянц Л.Р. Пулатов А.А. Волейбол назарияси ва услубияти. – Т. 2011 й. – 280 б.
2. Клещев Ю.Н., Л.Р.Айрапетьянц., В.Л. Паткин. Волейбол. Книга тренера. Часть первая. Т. 1995 г. – 188 с.
3. Айрапетьянц Л.Р. Развитие и положительное использование научного и технического потенциала. //Фан-спортга Т. 2004 № 1 с. 17-20.
4. Керимов Ф.А., Умаров М.Н. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. Т. 2005. – 280 б.
5. Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Т. ЎзДЖТИ. 2005 й. – 238 б.
6. Машарипов Ф.Т. Волейбол машғулотларини олиб бориш ва бошқаришнинг педагогик асослари. Ўқув-услубий қўлланма. Урганч. 2012 й. – 72 б.

## Резюме

В статье описаны тактические действия волейболистов на соревнованиях и реализации комбинационных передач связующий игроком.

## Resume

The article describes the tactical actions of volleyball players at competitions and the implementation of combinational transfer by the player.

**Ключевые слова:** технико-тактическая подготовка, передача мяча, подача, нападающий удар, комбинационный действия.

**Key words:** technical and tactical training, passing the ball, serving, attacking blow, combinational action.

УДК. 796.4

## МАКТАБЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ЕНГИЛ АТЛЕТИКА ТУРЛАРИГА САРАЛАШ ВА ЙЎНАЛТИРИШ УСЛУБИЯТИ

Ғ.С.Хўжамкелдиев

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети*

**Долзарблиги.** Олимпия спорт турлари Республикамизда устувор, истиқболли ва ривожланаётган турларга ажратилиб, ушбу спорт турларини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, 2021 йилда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида спортчиларимиз томонидан кўлга киритилган медалларнинг сонидан ҳам бу кўриниб туради. Эндигина 30 ёшни қаршилаган мамлакат учун бу натижалар кўзга ташланарлидир. Маълумки, ушбу Олимпия ўйинлари 23 июлдан 8 августгача Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 17 та спорт тури бўйича 71 нафар вакилимиз қатнашди. Бу юртимиз спорти тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир. Аввалдан ҳам, мусобақа пайтида ҳам спортчи ва мураббийларга керакли шароитлар яратиб берилди. Улар 3 та олтин ва 2 та бронза медални кўлга киритиб, 200 дан зиёд давлат орасида умумжамоа ҳисобида 32-ўринни эгалладилар. Шу тариқа, мамлакатимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иккинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўрин бўлди. Шунингдек, атлетларимиз 3 та Олимпия рекордини янгилаб, жаҳон спорти тарихида ёрқин саҳифа очди [1].

Юртбошимиз томонидан ёш авлодни баркамол ва бақувват қилиб тарбиялаш, шунингдек рақобатбардош ёшларни келгусида юртимизни шон-шуҳратини дунёга таратишда энг керакли бўлган дастур яратишга қаратди. Демак, спорт майдонлари ва спорт анжомлари етарли даражада таъминлаб берилар экан энди фақат мураббийлар фаолияти ва машғулот жараёнларига эътибор қаратиш керак бўлади. Шуларни инобатга олган ҳолда мактаб ўқувчиларини спортга жалб қилиш ва спорт турларига йўналтириш ишлари йўлга қўйилиши кўзда тутилган ва ҳозирда долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

**Ишнинг мақсади.** Мактаб ўқувчиларини энгил атлетикага жалб қилиш, уларни жисмоний ҳамда антропометрик кўрсаткичлари бўйича энгил атлетика турларига саралаш ва йўналтиришдан иборатдир.

**Ишнинг вазифалари.** 1. Энг аввало мактаб ўқувчиларини энгил атлетика спорт турига жалб қилиш. 2. Мактаб ўқувчиларининг умумий жисмоний тайёргарлигини ошириш. 3. Ўқувчиларни энгил атлетика турларига саралаш ва йўналтириш.

**Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси.** Мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг кизиқишлари нафақат спортга балки бошқа соҳаларга ҳам юқори бўлади. Лекин шуни таъкидлаш керак-ки мактаб жисмоний тарбия дарслари ўқувчиларнинг энг севган фани ҳисобланади. Демак бу имкониятдан вақтида тўғри фойдаланиш кераклигини тақозо этади. Барчага маълумки бошланғич тайёргарлик босқичида ихтисосликка ажиратилмайди. Шу боисдан уларни спорт турларига жалб қилиш ва шу орқали умумий жисмоний тайёргарликларини ошириш кўзда тутилади [3,4].

Ёш спортчиларни тарбиялаш ва уларни мусобақаларга тайёрлашда ёшларнинг спорт натижалари тез ўсади. Аммо улар учун натижа биринчи ўринли аҳамиятга эга эмас. Ёш организмни натижа учун чиниқтириш мутлақо нотўғри ҳисобланади. Ёшлар билан машғулотларни олиб боришда ўта эҳтиёткорона ва синчковлик билан ҳар бир ўқувчини кузатиб бориш зарур бўлади. Машғулот жараёнларида бериладиган юкламаларни ва уларни меъёрлашни мураббий доимий назоратда олиб бориши кези келганда машғулотни тубдан ўзгартириш ҳам мумкин бўлади. Ахир биз соғлом, бақувват ва рақобатбардош ёш авлодни тарбиялашни мақсад қилганмиз[5,6]. Ёш спортчиларнинг тайёрлашни бошқариш технологияси бир неча босқичга бўлинади: қарор қабул қилиш, ижрони ташкил этиш, ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, якуний маълумотнома тайёрлаш. Агар ушбу умумий қоидаларни ёш спортчиларни тайёрлаш тизимига эга бўламиз. Бошқарув тизимининг ташкилий элементлари спорт мактабларининг сифатли ва самарадорлигини яхшилашга йўналтирилганлигини акс эттиради. Ушбу жараёнида етакчи ўрин мураббий ҳамда бошқа мутахассисларга (шифокорлар, илмий ходимлар ва бошқалар) ажратилади. Худди шунинг учун ўсмирлар спортида ёш спортчиларни тайёрлаш тизимининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини белгиловчи ва тахминий катталиклар асосида унинг ўзига хослиги аниқлашни белгиловчи меъёрларнинг нисбати етакчи ўрин тутди. Унинг моҳиятини бази мисоллар ёрдамида очишга ҳаракат қиламиз [2,8].

Тадқиқотимизда жами 30 дан ортиқ ўғил-қизлар 3 та синф яъни 7, 8 ва 9 синф ўқувчилари қатнашган бўлса уларга машғулот жараёнларида қуйидаги машғулотларни олиб бордик.

Машғулот жараёнлари ҳафтасига уч мартадан 3 ўқитувчи дарсдан кейинги вақтларда олиб борилди. 7 ва 8 синф ўқувчиларига 2 академик соатдан 9 синф ўқувчиларига ҳафтасига 4 та машғулот 2 академик соатдан

белгилаб қўйилди. Биз белгиланган дастур бўйича иш олиб бордик. Лекин машқларни ўзимиз танлаб машғулот жараёнига тадбиқ етдик.

**1-жадвал**

**Қисқа масофаларга югурувчи болаларни саралаш учун назорат меъёрлари**

№	Назорат машқлари	10 ёш		11 ёш		12 ёш	
		болалар	Қизлар	болалар	Қизлар	болалар	қизлар
1	30 м .га старт олдидан югуриш, сония	4.0	4.2	3.8	4.0	3.6	3.8
2	Юқори стартдан 60 м.га югуриш, сон	8.7	9.0	8.5	8.8	8.3	8.6
3	300 м.га югуриш, сония	56.0	60.0	52.0	55.0	48.0	51.0
4	Жойдан туриб узунликка сакраш, см	175	165	190	180	200	195
5	Олдинга эгилиш, см	6	8	7	9	8	10

**2-жадвал**

**Сакровчи болаларни саралаш учун назорат меъёрлари**

№	Назорат машқлари	10 ёш		11 ёш		12 ёш	
		болалар	Қизлар	болалар	Қизлар	болалар	қизлар
1	30 м .га старт олдидан югуриш, сония	4.1	4.3	3.9	4.1	3.7	3.9
2	Жойдан туриб узунликка сакраш, см	195	185	200	190	205	195
3	Турган жойдан узунликка уч хатлаб сакраш, см	620	550	650	580	680	620
4	Турган жойдан юқорига сакраш, см	38	36	42	38	46	42
5	Олдинга эгилиш, см	6	8	8	10	10	12
6	Қўлларга таяниб, ётган ҳолатдан оёқларга ўтириб, гавдани кўтариш, марта	35	30	40	35	45	40

**3-жадвал**

**Ўрта масофага югурувчи болаларни саралаш учун назорат меъёрлари**

№	Назорат машқлари	10 ёш		11 ёш		12 ёш	
		болалар	Қизлар	болалар	Қизлар	болалар	қизлар
1	30 м .га старт олдидан югуриш, сония	4.3	4.5	4.1	4.3	3.9	4.1
2	Юқори стартдан 60 м.га югуриш, сон	8.9	9.4	8.7	9.2	8.5	9.0
3	300 м.га югуриш, сония	50.0	53.0	48.0	51.0	46.0	49.0
4	600 м.га югуриш. дақ. сон.	-	2:15.0	-	2:05.0	-	1:56.0
5	800 м.га югуриш. дақ. сон	2:55.0	-	2:40.0	-	2:28.0	-
6	Жойдан туриб узунликка сакраш, см	170	170	180	175	190	180
7	Олдинга эгилиш, см	6	8	7	9	8	10

**4-жадвал**

**Улоқтирувчи болаларни саралаш учун назорат меъёрлари**

№	Назорат машқлари	10 ёш		11 ёш		12 ёш	
		болалар	қизлар	болалар	Қизлар	болалар	қизлар
1	30 м .га старт олдидан югуриш, сония	4.2	4.5	4.1	4.3	4.0	4.1
2	Жойдан туриб узунликка сакраш, см	200	180	205	185	210	190



3	Жойдан туриб узунликка сакраш, см	610	520	630	540	650	560
4	3-4 кг.ли ядрони икки кўллаб бош устидан орқага улоқтириш, м	9	8	10	10	11	11
5	Кўлларга таянган ҳолда кўлларни букиб-ёзиш, марта	8	5	10	6	14	9
6	Кўлларга таяниб, ётган ҳолатдан оёқларга ўтириб, гавдани кўтариш, марта	40	35	45	40	50	45
7	Турникда кўллар букилган ҳолатда осилиб туриш, сония	22	17	26	20	30	24

Спорт имкониятларини аниқлаш учун ўтказиладиган спорт саралови амалиётида ёшни – лекин паспорт эмас, балки биологик ёшни эътиборга олиш керак. Ёш аниқлаш-нинг асосий усули – визуал баҳолаш, қизларда эса — кўшимча саволлар бериш.

Олинган натижаларга мувофиқ ҳолда ёш спортчининг биологик ёши аниқланади. Турли минтақалар учун паспорт ёшининг биологик ёшга мос келмаслиги  $\pm 3$  ёшни ташкил қилиши мумкин.


Болалар ва ўсмирларнинг спорт имкониятларини антропометрик усуллар ёрдамида баҳолаш учун назарий ва амалий тайёргарлик зарур. Ушбу ёндашувнинг катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб жаҳоннинг турли мамлакатларининг олимлари болалар ва ўсмирларнинг спорт имкониятларини баҳолаш ва ўлчашнинг самотометрик усулларини такомиллаштириш устида иш олиб бордик.

Олиб борилган 6 ойлик тадқиқотлар натижасида ўқувчиларда ўзгаришлар кўзга ташланарли даражада бўлди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Тадқиқотдан олдинги ва кейинги кўрсаткичлари

№	Машқлар	7 синф		8 синф		9 синф		
		Ўғил	қизлар	ўғил	қизлар	Ўғил	қизлар	
1	Жойдан туриб узунликка сакраш (см)	ТО	164	152	172	154	179	161
		ТК	169	155	176	156	185	164
		<b>ўсиши</b>	<b>3,0%</b>	<b>2,0%</b>	<b>2,3%</b>	<b>1,3%</b>	<b>3,4%</b>	<b>1,9%</b>
2	Арғамчида сакраш (1 дақ.да)	ТО	76	72	84	81	91	89
		ТК	84	76	88	86	96	93
		<b>ўсиши</b>	<b>10,5%</b>	<b>5,6%</b>	<b>4,8%</b>	<b>6,2%</b>	<b>5,5%</b>	<b>4,5%</b>
3	30 метрга югуриш(сония)	ТО	4,5	5,2	4,4	5,1	4,2	4,9
		ТК	4,3	5,0	4,3	4,9	4,0	4,7
		<b>ўсиши</b>	<b>4,4%</b>	<b>3,8%</b>	<b>2,3%</b>	<b>3,9%</b>	<b>4,8%</b>	<b>4,1%</b>



**1-расм. Ўқувчиларнинг тадқиқотдан олдинги ва кейинги жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари**

Ўтказилган тадқиқотлар давомида 7-синф ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари жойдан туриб сакраш машқида ўғил болаларда ўрта 3.0 %, қизларда 2.0 % га яхшилаган. Арғамчида 1 дақиқа давомида сакраш бўйича натижалар ўсиш ҳисобида бироз юқори яъни 10,5 % ва 5,6 % га тенг бўлган. 30 метрга пастки стартдан чиқиб югуриш бўйича натижалар мос равишда 4,4 % ва 3.8 % ни ташкил қилди.

8-синф ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари жойдан туриб сакраш машқида ўғил болаларда ўрта 2.3 %, қизларда 1.3 % га яхшилаган. Арғамчида 1 дақиқа давомида сакраш бўйича натижалар ўсиш ҳисобида яъни 4,8 % ва 6,2 % га тенг бўлган. 30 метрга пастки стартдан чиқиб югуриш бўйича натижалар мос равишда 5,5 % ва 4,5 % ни ташкил қилди.

9-синф ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари жойдан туриб сакраш машқида ўғил болаларда ўрта 3,4 %, қизларда 1.9 % га яхшилаган. Арғамчида 1 дақиқа давомида сакраш бўйича натижалар ўсиш ҳисобида яъни 5,5 % ва 4,5 % га тенг бўлган. 30 метрга пастки стартдан чиқиб югуриш бўйича натижалар мос равишда 4,8 % ва 4,1 % ни ташкил қилди.

Кўриниб турибдики югуриш бўйича ўқувчи қизларнинг тезлик сифатлари ўғил болаларникига нисбатан юқори бўлган. Бундан шундай хулосага келиш мумкин ўқувчи қизларнинг айти шу ёшда тезлик сифатлари ўғил болалар тезлик сифатларидан юқори бўлар экан. ўқувчиларни енгил атлетика спорт турида улоқтириш турларига саралашда қўллари узун ўқувчиларни саралашда аҳамият бериш кераклиги аниқланди. Сабаби югурувчиларга нисбатан улоқтирувчиларни қўллари 10-12 см.га узун эканлиги тадқиқот ишимизда аниқланди. Тадқиқотларнинг маълумотларига кўра чуқурлаш-тирилган машғулотларнинг бошланғич даврида югуришда ўспирин ва қизларнинг даврий юкламасини умумий ҳажми мос равишда 2078 ва 2065 км. га, чанғи учишда 3467 ва 2814 км. га етиб боради. Мазкур абсолют катталикларни қиёслашда турли спорт йўналишларида тайёргарликнинг бир хил босқичида талабларнинг ягоналигига қатъий риоя қилинаёт-ганлигини аниқлаш мумкин эмас. Агар юқорида келтирилган

даврий юклама ҳажмлари кўрсаткичларини нисбий катталиклар тизимига ўтказиб хусусан чуқурлаштирилган машғулот босқичининг якуний даври параметрларга келтирсак, у ҳолда уларнинг ўспиринлар ва қизлар учун сон миқдори мос равишда қуйидагича бўлади: ўрта масофага югуришда 63,4 ва 73,1 узоқ масофага югуришда 60,5 ва 61,4%. Олинган натижалар баъзи хулосаларни чиқаришга имкон беради. Аввало, турли спорт йўналишларида шуғулланаётган ўсмирликнинг тайёрловни муаян босқичида, юкламалари ҳажмининг деярли тенглиги ҳақида айтиб ўтиш мумкин. Ўрта масофага югурувчи ёш спортчи қизларнинг юкламаси ҳажми эса чанғи қизларда анча кўплиги яққол кўриниб турибди. Абсолют кўрсаткичлар таҳлил ёрдамида бундай хулосаларга келиб бўлмас эди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашувидан нутқи // “Xalq so‘zi”. 2021 йил 13 август.
2. Олимов М.С. Қисқа масофага югурувчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини шаклландириш даражаси. Ч. 2021. №5 // Fan – sportga, IImiy – nazariy jurnal. Б. 3-6.
3. Солиев И.Р. Токио (Япония) шаҳрида бўлиб ўтган XXXII олимпияда ўйинларида спортнинг енгил атлетика тури бўйича ўтказилган мусобақаларнинг таҳлили. - Ch. 2020. №3 // Fan – sportga. IImiy-nazariy jurnal. Б. 13-16.
4. Хўжамкелдиев Ғ.С. Ўрта масофага югурувчи спортчиларни ўтиш давридаги тикловчи воситаларни қўллаш самарадорлиги. Ч. 2020. №3 // Fan – sportga IImiy – nazariy jurnal. Б. 34-36.
5. Хўжамкелдиев Ғ.С. Ўрта масофага югурувчиларни жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш // Ch. 2020. №6 // Fan – sportga, IImiy – nazariy jurnal. Б. 44-47 .
6. Баратов А.М. – Тўсиқлар оша югурувчиларнинг йиллик тайёргарлик машғулотларини такомиллаштириш самарадорлиги. Ч. 2021. №4 // Fan – sportga, IImiy – nazariy jurnal. Б. 21-24.
7. Акбаров А. Взаимосвязь показателей технических действий и скоростно-силовых способностей на этапе углубленной подготовки молодых дзюдоистов // Теория и методика физической культуры 64 (2), Т. 2021. – С.50-56.
8. Мирзатиллаев И.И. Умумтаълим мактабларнинг енгил атлетика тўғарақларида захира спортчиларни тайёрлаш самарадорлиги. Ч. 2021. №2 // Fan – sportga, IImiy – nazariy jurnal. Б. 50-53.
9. Керимов Ф., Умаров М. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. Дарслик // Т.: 2005. -Б.23-25.

#### **Резюме**

Ушбу мақолада мамлакатимиз ва чет эл мутахассисларнинг қатор тадқиқотлари жисмоний тайёргарлик муаммоларига бағишланган бўлиб, уларнинг кўпчилиги асосан катта ёшли спортчиларда жисмоний сифатларини юзага чиқаришга йўналтирилган. Ушбу тадқиқот ичида ёш спортчиларни енгил атлетика спорт турига саралаш ва йўналитириш муаммолари очиб берилган.

#### **Резюме**

В данной статье проблемам физической подготовленности посвящен ряд исследований отечественных и зарубежных специалистов, большинство из которых ориентировано на развитие физических качеств у спортсменов старшего возраста. В данном исследовании раскрываются проблемы квалификации и направления юных спортсменов в легкоатлетический спорт.

### *Resume*

In this article, a number of studies of domestic and foreign specialists are devoted to the problems of physical fitness, most of which are focused on the development of physical qualities in older athletes. This study reveals the problems of qualification and direction of young athletes in athletics..

*Калит сўзлар:* Спортчи ва мураббийлар, ёш авлод, машгулот жараёнлари, спорт турларига йўналтириши, умумий жисмоний тайёргарлиги, юкламалар, рақобатбардош ёш авлод, ўқувчиларда ўзгаришлар, жойдан туриб сакраш.

*Ключевые слова:* Спортсмены и тренеры, молодое поколение, тренировочные процессы, спортивная направленность, общая физическая подготовленность, нагрузки, соревновательное молодое поколение, изменения в студенческой среде, прыжок с места.

*Keywords:* Athletes and coaches, young generation, training processes, sports orientation, general physical fitness, loads, competitive young generation, changes in the student environment, standing jump.

УДК. 796.8/796.01

## **МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ТЕХНИКО-ТАКТИЧЕСКИХ ДЕЙСТВИЙ ВОЛЬНОЙ БОРЬБЫ ДЛЯ ПОДРОСТКОВ СЛАБОСЛЫШАЩИМИ НАРУШЕНИЯМИ СЛУХА (ГЛУХОНЕМЫХ)**

**Сатбаев Саламат Ниетбаевич**

*Нукусский филиал Узбекского государственного университета  
физической культуры и спорта*

**Актуальность** – В Узбекистане по данным статистики заболевания, связанные с нарушением слуха, отмечаются у 7,5 % населения страны, из них количество глухих детей и школьников составляет 1,6 % и возрастает [3]. Из них вольной борьбой занимается почти 0.001%. Мы хотели совершенствовать методы технико-тактических тренировки по вольной борьбе слабослышащим (глухим) подросткам Республики Узбекистана.

**Цель исследования** – совершенствование методы обучения жестов технико-тактических подготовки для глухих подросткам по вольной борьбе.

**Задача исследования** – освоения навыки и приемов технико-тактической действия элементов по вольной борьбе слабослышащих (глухонемых) подростков.

**Объект исследования** – адаптивное физическое воспитание подростков, имеющих нарушения слуха.

**Предмет исследования** – метод обучения технико-тактической действия вольной борьбе для слабослышащих (глухонемых) подростков.

В настоящее время в мире издано множество литературы по спортивной борьбе. Они посвящаются отдельным частным вопросам подготовки борцов, но особое внимание уделяются для развития физической культуры и спорта, но мало количество литературы по дефектологиям занятия по вольной борьбе.

Спортивная борьба является одним из самых древних видов спорта и имеет очень интересную и яркую историю. История вольной борьбы уходит своими корнями в Древнюю Грецию. Как известно, основу общей физической подготовки древних греков составляло комплексное испытание из различных видов спорта. Борьба вольным стилем имела наибольшее значение среди всех видов спорта [1]. Одной из важнейших государственных задач является физическое воспитание подрастающего поколения. Целенаправленная двигательная деятельность обеспечивает необходимый уровень физического развития, а также коррекцию отклонений различных сфер деятельности глухих детей, что способствует их полноценной адаптации в социуме [2].

В Каракалпакстане по данным статистики заболевания, связанные с нарушением слуха, отмечаются у 7,5 % населения страны, из них количество глухих детей и школьников составляет 1,6 % [3]. Исходя от этого адаптивной физической культуры и спорта, является действенным средством социальной адаптации и интеграции, коррекции психомоторных нарушений и развития ведущих физических качеств и двигательных способностей, а также депривированный по слуху детей и подростков. Однако, несмотря на перспективность использования средств вольной борьбы в системе адаптивной физической культуры и спорта, методика занятий данным видом единоборства с подростками с нарушением слуха до сих пор не выступала предметом специально-организованного исследования.

Необходимо подчеркнуть, что школьникам с нарушением слуха, как и их здоровым сверстникам, необходимо крепкое физическое и психическое здоровье для того, чтобы более успешно вливаться в социум здоровых граждан и интегрироваться в общество. Это возможно при условии вовлечения глухих школьников в активные занятия физическими упражнениями и спортом [5]. Одним из таких видов спорта является вольная борьба.

При различных нарушениях слуха организм подростка находится в неблагоприятном состоянии не только из-за основного дефекта, но и вследствие вынужденной гипокинезии [6]. Недостаток двигательной активности влияет на состояние организма и в большинстве случаев способствует прогрессированию заболевания. Физические упражнения и активная двигательная деятельность являются действенным средством воздействия на все функциональные системы организма и нервно-психического тонуса глухих школьников, что в свою очередь требует активизации их моторики.

Одной из ведущих проблем современной сурдопедагогики является разработка эффективных программ по физической культуре в силу того, что средства и методы, используемые для здоровых подростков, не могут быть в полной мере применимы для глухих школьников [7]. Больше внимания уделяется разработке методик, способствующих компенсаторному воздействию на различные анализаторы и системы, а также коррекции

основных двигательных способностей [8]. Актуальным остается вопрос о разработке коррекционных программ, направленных на обучение детей и подростков с нарушением слуха в процессе внешкольных (вне учебных) занятий [9].

По нашему мнению, вольная борьба обладает широкими возможностями в работе со школьниками, имеющими нарушения слуха. Учитывая наличие большого количества акробатических элементов (колесо, кувырки, выпады, и.т.п), приемов со сложной биомеханической структурой в арсенале технических действий единоборств, этот потенциал можно с успехом использовать для воспитания основных двигательных способностей глухих школьников, в особенности в специализированных школах интернатов.

В настоящее время в Узбекистане есть подростки различных видов нарушения слухового анализатора и воспитывающих таких школьных подростков слуховым нарушением (глухими), но нет методов обучения и тренеров по вольной борьбе.

#### Литература:

1. Керимов Ф.А. Теория и методика спортивной борьбы. Учебная пособия, Ташкент -2001.
2. Домбровская А.Ю. Социальная адаптация людей с ограниченными возможностями здоровья в современной России: дис. ... д-ра соц. наук: 22.00.04 / Домбровская Анна Юрьевна. – Тула, 2015. – 431 с.; Мукина Е.Ю. Подвижные игры как средство интеграции глухих и слабослышащих детей младшего школьного возраста / Е.Ю. Мукина, А.В. Карвацкий // Вестник тамбовского университета. Серия: гуманитарные науки. – 2012. – №12(116). – С. 199–205.; Овсянникова Е.Ю. Методика коррекции физического развития и физической подготовленности глухих школьников в процессе непрерывного адаптивного физического воспитания: дис. кан. пед. наук: 13.00.04 / Овсянникова Елена Юрьевна. – Киров, 2006. – 165 с.
3. Шодиева Г.У. Председатель общество глухих. Статистика г. Ташкент. - 2021.
4. Лымарь О.А. Морфофункциональные особенности физического развития детей младшего школьного возраста общеобразовательной и специальной коррекционной школ /О.А. Лымарь, В.В. Абушкевич // Современные проблемы науки и образования. – 2008. – №4 – С. 84–85 URL: [www.science-education.ru/25-1010](http://www.science-education.ru/25-1010) (дата обращения: 20.06.2015).
5. Акатов Л.И. Социальная реабилитация детей с ограниченными возможностями здоровья. Психологические основы: учебное пособие / Л.И. Акатов. – М.: Изд. центр Владос, 2003. – 368 с.
6. Блиев Ю. Мир без звуков – мертвый мир [электронный ресурс] / Ю. Блиев // Медицинская газета (электронный журнал). – 2010. – №71. Режим доступа: <http://www.mgzt.ru>; Богомильский М. Нарушения слуха и их коррекция у детей [электронный ресурс] / М. Богомильский, Я. Сапожников // Русский медицинский сервер, Медицинская газета (электронный журнал). – 2000. – №30. Режим доступа: <http://www.rusmedserv.com/med-gazeta/2000g/30/article>.
7. Байкина Н.Г. Коррекционные основы физического воспитания глухих школьников: авто-реф. дис. ... д-ра пед. наук / Н.Г. – Москва, 1992. – 32 с.
8. Калмыков С.А. Методика коррекции и развития силы и гибкости у глухих детей среднего школьного возраста в специальных (коррекционных) образовательных учреждениях: авто-реф. дис. ... кан. пед. наук / С.А. Калмыков. – Тамбов, 2007. – 27 с.

9. Осколкова Е.А. Адаптивное физическое воспитание в системе профессиональной адаптации глухих учащихся специальных (коррекционных) образовательных учреждений: авто-реф. дис. ... кан. пед. наук / Е.А. Осколкова. – Москва, 2008. – 25 с.

**Резюме**

*В статье освещаются вопросы проблемы методы обучения технико-тактических действия подростков вольной борьбе в специализированных школах-интернатах в Каракалпакстане 10-13 лет слуховым нарушением (глухими) подросткам.*

**Rezyume**

*Maqolada Qoraqalpog‘istondagi eshitish qobiliyati zaif (kar) 10-13 yoshli o‘smirlar uchun ixtisoslashtirilgan maktab-internatlarida erkin kurash bo‘yicha o‘smirlarning texnik-taktik harakatlarini o‘rgatish metodikasi muammolari yoritilgan.*

**Resume**

*The article highlights the issues of the problem of teaching methods of technical and tactical actions of teenagers in freestyle wrestling in specialized boarding schools in Karakalpakstan for 10-13 years old with hearing impairment (deaf) teenagers.*

**Ключевые слова:** вольная борьба, техника, тактика, слабослышащий, глухой, подросток, школа, соревнования.

**Kalit so‘zlar:** erkin kurash, texnika, taktika, eshitish qobiliyati past, kar, o‘spirin, maktab, musobaqalar.

**Base words:** freestyle wrestling, technique, tactics, hard of hearing, deaf, teenager, school, competitions.

**UDK. 796.01/796.08**

**YUQORI MALAKALI GANDBOLCHILARNING CHAQQONLIK  
SIFATLARINI RIVOJLANISH DARAJASINI O‘RGANISH**

**B.Tlewov**

**O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti Nukus filiali**

**Dolzarbliqi:** Muhtaram Prezidentimiz Sh.Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasida jamiyatda sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish, jismoniy tarbiya va sportni yanada ommalashtirish dolzarb vazifa ekanligi, sportni jadal rivojlantirish, xalqaro musobaqalarda yuksak natijalarga erishgan sportchilarni rag‘batlantirish va qo‘llab-quvvatlashga bundan buyon ham katta ahamiyat berilishi hamda yosh avlod o‘rtasida sportni ommalashtirish maqsadida eng chekka tumanlarda ham bolalar va o‘smirlar sport maktablari tashkil etilishi aytib o‘tildi [1].

Jismoniy tarbiya va sport sohasining asosiy tarmoqlardan hisoblangan sportning gandbol bo‘yicha maxsus tadqiqotlar olib borgan olimlarning ilmiy tadqiqotlaridan va mazkur sohaga oid adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, jismoniy tarbiya va sport mutaxassislari kasb maxoratini rivojlantirishning me‘zonlari ham o‘rganilganini ko‘rish mumkin. Gandbol sport turi bo‘yicha maxsus tadqiqotlar olib borgan olimlardan Akramov J.A., Abduraxmanov F.A., Pavlov Sh.K., Shelyagina I.N., Ignateva U.Y., Seytxalilov Y.A., Izaak F.A. Nabiev va boshqalarning ishlarini o‘qishimiz mumkin [2,3,4,].

Yuklamalar organizmdagi barcha funksional tizimlarning rivojlanishiga ijobiy ta'sir etadi. Mashg'ulotlar tasirida, shuningdek, musobaqalarda shug'ullanuvchilarning ruhiy faoliyati takomillashadi, tezlik reaksiyasi, chamalash, ijodiy fikr yuritish, chaqqonlik va tashabbuskorlik kabi sifatlari rivojlanadi. Bunga sabab esa sport pedagogik mahoratini oshirish fani talabalarda sport-pedagogik mahoratni shakllantirishga asos bo'ladi, balki ularda ma'naviy-ahloqiy, intellektual va umuminsoniy xislatlarni kamol topishiga turtki beradi. Sport pedagogik mahoratini oshirish mashg'ulotlarining maqsad va vazifalari talabalarda jismoniy tarbiya va sport sohasiga oid kasbiy-pedagogik bilim, malaka va ko'nikmalarni mukammal o'zlashtirish imkonini beradi. Bo'lajak kadrlarni ta'lim muassasalari, BO'SMlar, jismoniy tarbiya va sport tashkilotlarida zarur bo'lgan kasbiy, ilmiy-pedagogik va tashkilotchilik qobiliyatlarini shakllantiradi. Ushbu fanni mukammal o'zlashtirilishi joylarda sport mashg'ulotlari, musobaqalarni tashkil qilish va o'tkazish, sport turlarini yanada ommaviylashtirish, malakali sport zahiralari va mahoratli sportchilar tayyorlash samaradorligini oshiradi. Har tomonlama jismoniy tayyorgarlik – hozirgi zamon gandbolida yuqori natijalarni qo'lga kiritish uchun asosdir [3,4,7].

Mualliflarning kuchliligi chaqqonlikning asosiy o'lchovi (mezoni) bu odam harakat faoliyatini to'satdan o'zgargan vaziyat talabiga moslashtirish, shu bilan birga aniq va tez harakat qila bilishdir, degan fikr bir joydan chiqayapti. Bu sifatlarni harakatlar malakasini egallashda, sport faoliyatida harakatlar vazifasini sifatli hal etishda, shu bilan birga ishlab chiqarish va insonning kundalik hayotida ham muhim ahamiyatga ega [5,6].

**Tadqiqotning maqsadi.** Gandbolchilarning chaqqonligini rivolantirish hamda nazorat qilish orqali, berilayotgan yuklamalarni, qay darajada ekanligini maxsus testlar yordamida aniqlash va tahlil qilish.

**Tadqiqotning vazifalari:** Tadqiqotimizning maqsadiga erishishda biz quyidagi vazifalarni belgilab oldik.

- 1.Mavzuga oid ilmiy adabiyotlar va ilmiy maqolalarni o'rganish.
- 2.Mashg'ulotlarda qo'llanilayotgan yuklamalarni o'rganish va tahlil qilish.
- 3.Gandbolchilarining chaqqonligini testlar asosida baholash hamda tahlil qilish.
- 4.Biz tavsiya etgan mashqlar asosida mashg'ulot o'tish.

**Tadqiqotning usullari.**

- 1.Ilmiy adabiyotlar tahlili.
- 2.Testlar qabul qilish.
- 3.Matematik hisoblash.

**Tadqiqotning obyekti.** Tadqiqot ishlarimizni 2020-2021 yillar davomida olib borildi. Unda O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universitetining "SKUF" jamoasi gandbolchilaridan 2 nafarini tajriba guruhi sifatida tanlab oldik hamda nazorat guruhini, O'zbekiston chempionatining oliy liga musobaqalarida ishtirok etuvchi jamoalar Olmaliqning shaxrining "OTMK" va Toshkent shaxridan "RIOZMI" jamoalaridan 2 tadan o'yinchilarini nazorat guruhi sifatida tanlab oldik.



Tanlab olingan gandbolchilarning barchasi turli malakadagi gandbolchilar bo‘lib ularning chaqqonlik sifati tayyorgarliklari nazorat qilindi.

**Tadqiqot natijalari va uning muhokamasi.** O‘tkazilgan tadqiqot natijalaridan aniqlangan holatlar shuni e‘tirof etishga imkon beradiki, turli malakali gandbolchilarning jismoniy tayyorgarlik hamda jismoniy rivojlanish va aynan chaqqonlik tayyorgarlik ko‘rsatkichlarini aniqlash maqsadida pedagogik tajriba tekshiruvlari o‘tkazildi va quyidagi nazorat testlari qo‘llanildi.

**Turli malakadagi gandbolchilarning chaqqonligini baxolash  
 (tadqiqotdan oldin)**

1-jadval

Jamoalar va sport unvonlari		30 m masofaga to‘p bilan yugurish s.	30 s mobaynida sherik bilan bir-biriga to‘pni uzatish (marta)	"4x10 metrga mokissimon yugurish" (soniya)	Kompleks mashqlar s.
“OTMK” “SU”	Ignatev E	4,6	13	8,3	14,2
	Turopov D	4,8	12	8,9	14,4
“SKUF” “SUN”	To‘g‘onboyev G	5,1	11	9,2	16,3
	Xudoyqulov J	4,9	10	9,3	15,9
“RIOZ” “1-razryad”	G‘ulomov S	5,2	12	8,5	15,1
	Fayziyev A	4,8	13	8,6	14,6

**Izox:** SU – sport ustasi, SUN – sport ustaligiga nomzod.

Albatta bizning tadqiqotimizda ishtirok etgan nazorat va tajriba guruhlarini tarkibiga kirgan to‘rtinchi bosqich gandbolchi talabalarning jismoniy tayyorgarligi, malakali gandbolchilardan ancha yiroqda bo‘lib, ular SPMO gandbol darsi sharoitida shug‘ullanuvchi sportchilar toifasiga mansubdir. Lekin shunday bo‘lsada, biz talabalardan chaqqonlik jismoniy sifatleri va o‘yin mashqlarini o‘z ichiga olgan. Pedagogik tadqiqot davomida qanday shakllanishi mumkin degan savolga javob qaytarishga urundik.

**Anaerob imkoniyatlarni rivojlantirishga yo‘naltirilgan yuklamaning asosiy xususiyatlari**

2-jadval

Mashg‘ulot samarasining yo‘nalishi	Mashqlarning davomiyligi	Mashqning shiddati	Dam olish oralig‘i	Takrorlanish soni
Alaktat	5-10 soniya	90-100 %	2-3 daqiqa seriyalar oralig‘ida 4-6 daqiqa	Bir seriyada 3-4 jami 5-6 seriya
Laktat	0,5 – 2 daqiqa	85-95 %	10-45 soniya seriya oralig‘ida vaqt cheklanmagan	Bir seriyada 4-12 jami 4-10 seriya

Mashg'ulotlarda chaqqonlikni rivojlantirish uchun mo'ljallangan mashqlar tizimi va ularni asoslash.

O'quv-mashg'ulotlarining samaradorligi albatta qanday mashg'ulotlar davrning turli bosqichlarida qanday, qachon va qancha mashqlarning qo'llanishiga bog'liq. Fanda va sport amaliyotida izlanishlarning ma'lum miqdori mashg'ulotlarda mashqlarni to'g'ri tanlay olishga bag'ishlanganligi tasodif emas. Ularning ko'pchiligidan kelib chiqadigan xulosa shunday: mashg'ulotlardagi mashqlarning ta'sir ko'lami musobaqaviy mashqlar.

Maxsus tayyorgarlik bosqichida ayniqsa, musobaqalar davrida gandbolchilarning mashg'ulotlarida o'yin faoliyatiga eng yaqinlashtirilgan mashqlarning samara berishi bizningcha haqiqatga yaqin.

Yuqorida qayd etilgan chaqqonlikni takomillashtirishga qaratilgan fikr muloxazalar va talabalarning o'quv – mashg'ulotlarida olib borilgan olti oylik kuzatuvdan so'ng gandbolchilardan qayta testlar qabul qilindi.

**Turli malakadagi gandbolchilarning chaqqonligini baholash  
 (tadqiqotdan keyin)**


**3-jadval**

Jamoalar va sport unvonlari		30 m masofaga to'p bilan yugurish s.	30 s mobaynida sherik bilan bir-biriga to'pni uzatish (marta)	"4x10 metrga mokissimon yugurish" (soniya)	Kompleks mashqlar s.
"OTMK" "SU"	Ignatev E	4,5	13	8,2	14,3
	Turopov D	4,7	13	8,7	14,4
"SKUF" "SUN"	To'g'onboyev G	4,6	14	8,3	13,9
	Xudoyqulov J	4,4	13	8,1	13,5
"RIOZMI" "1-razryad"	G'ulomov S	4,9	11	8,4	14,8
	Fayziyev A	4,7	12	8,7	14,2

**Izox:** SU – sport ustasi, SUN – sport ustaligiga nomzod.


Nazorat va tajriba guruhlari uchun funksional holat va jismoniy rivojlanishning muvofiqligi biz kiritgan o'zgartirishlar optimal, ya'ni maqbul ekanligidan dalolat beradi.

**Natijalarni solishtirish**




**1-rasm. 30 m masofaga to'p bilan yugurish  
 To'g'onboyev G % Xudoyqulov J %**

Tajriba guruhida 30 metrga yugurish s, tadqiqotdan oldin 5,1 soniya bo'lsa tadqiqotdan keyin 4,6 soniyani tashkil etib o'sish samaradorligi 0,5 % ni tashkil qildi.




**2-расм. 30 s mobaynida sherik bilan bir-biriga to'pni uzatish (marta)**  
**To'g'onboyev G' % Xudoyqulov J %**

30 soniya mobaynida sherik bilan bir-biriga to'pni uzatish testi bo'yicha tadqiqotdan oldin 11 marta, tadqiqotdan keyin 14 marta o'sish sur'ati 3 martani tashkil qildi.



**3-расм. "4x10 metrga mokissimon yugurish" (soniya)**  
**To'g'onboyev G' % Xudoyqulov J %**

4X10 metrga mokissimon yugurish testida tadqiqotdan oldin 9,2 soniya, tadqiqotdan keyin 8,3 soniyani tashkil qilgan bo'lsa o'sish samaradorligi 0,9 soniya natija qayd etildi.



**4-расм. Kompleks mashqlar s**  
**To'g'onboyev G' % Xudoyqulov J %**

Kompleks mashqlar testiga kelsak, tadqiqotdan oldin 16,3 soniya, tadqiqotdan keyin 13,9 soniya bo'lib o'sish samaradorligi 2,9 soniyani tashkil qildi.

Shunday qilib, talabalarning o'quv-mashg'ulotlarida qo'llanilayotgan yangiliklar tezkorlik, chaqqonlik, to'pga egalik qilish texnikasi ko'rsatkichlarining o'sishiga yordam berdi. Tajriba guruhidagi talabalarning funksional holati va jismoniy rivojlanish ko'rsatkichlari bo'yicha ham nazorat guruhinikidan past emasligi kuzatildi. Demak, qo'llanilayotgan tajriba ta'siri gandbolchilar texnik mahoratidagi biz tekshirayotgan ko'pgina ko'rsatkichlar darajasi ortishiga yordam beradi. Bunda gandbolchilarning boshqa sifat ko'rsatkichlari darajasi pasaymaydi. Olingan yangi ma'lumotlar amaldagi o'quv dasturlarining mazmuniy tarkibiy qismlarini tabaqalashtirib borish zarurligini ko'rsatdi.

Bularning hammasi gandbolchilarning ko'p yillik tayyorgarligini tashkil etishga bir qator yangicha usuliy yondashuvlarni taklif etish va sinovdan o'tkazish imkonini berdi.

**Xulosa.** O'yinchilarning chaqqonligini rivojlantirish, chaqqon harakat qilish harakat vazifalarini tez va to'g'ri yecha olish uchun, kuchli tezkor, chidamli bo'lish va mustahkam irodali bo'lish kerak. Kuchlilik, tezkorlik va boshqa fazilatlarisiz harakatlarda chaqqonlik bo'lish kerak emas. Harakat va faoliyat qanchalik notanish, qanchalik murakkab bo'lsa, qanchalik chaqqonlik ko'rsatish kerak bo'lsa, chaqqonlik shunchalik takomillashgan bo'lishi kerak. Chaqqonlik sport turlarining barchasiga hos bo'lgan muhim jismoniy sifatlardan biridir. Umuman aytganda, jismoniy sifatlarning turmush sharoiti va ayniqsa sport turlarida eng zaruriy omil bo'lib, mashg'ulotlar hamda musobaqalarning mazmunini tashkil etadi.

Malakali gandbolchilarning chaqqonligini tayyorlaganda asosan hozirgi talablarga javob beradigan metod, vosita va usullar bilan tarbiyalash kerak. Hozirgi vaqtgacha mashg'ulotlarda, maxsus tayyorlangan mashqlar orqali, chaqqonlik sifatlarini oshirishga qaratilgan hech qanday tadqiqot ishlari olib borilmagan. Pedagogik tadqiqot davomida natijalar ularning tahlili xulosalar shug'ullanuvchilarning chaqqonlik jismoniy sifatlarini tayyorlash amaliyotga tadbiq etilishi hamda nostandart va o'yin mashqlarini o'quv mashg'ulotlar jarayoniga joriy etish malakali sportchilarni yetishtirishda muhim ro'l o'ynaydi.

Ma'lumot o'rnida shuni aytish lozimki, Olmaliqning "OKMK" jamoasi O'zbekiston chempionati oliy liga musobaqalarida 2020 yilning mutloq g'olibi xisoblanadi.

#### Adabiyotlar:

1. Sh.Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi 2020 yil 29 dekabr Toshkent.
2. SH.K. Pavlov, O.X. Abdalimov, Z.E. Yusupova. "Gandbol nazariyasi va uslubi" darslik. Toshkent 2017y (214-216 b)
3. Sh.F. To'laganov, M.M. Raxmanova, R.R. Kariyeva. "Sport va harakatli o'yinlar (GANDBOL). Darslik. Toshkent – 2020 yil (182-184 b).
4. Pavlov Sh.K., Isroilov R.I., Abdalimov O.X., Shelyagina I.N. "Sport pedagogik maxoratini oshirish" (GANDBOL) O'quv qo'llanma. Toshkent 2018 yil (178-179 b).
5. Kerimov F.A. Sport sohasidagi ilmiy tadqiqotlar. // darslik Toshkent .: Zar-qalam - 2004 (141-142 b).
6. Salomov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubi. Darslik. T. (ITO-PRESS), 2014-yil (45-47 b).

7. Goncharova O.V. “Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish”, O‘zDJTI nashriyot – matbaa bo‘limi, 2005 y (67-69 b).

#### *Rezyume*

Mazkur maqolada gandbolchilarning chaqqonligi maxsus testlar yordamida tekshirish orqali o‘rganilgan. Tadqiqot davomida mashg‘ulot yuklamalari o‘lchovi va chaqqonlik qobiliyati ko‘rsatkichlari o‘zgari tahlil etilgan.

#### *Резюме*

В этой статье ловкость гандболистов изучается путем тестирования их с помощью специальных тестов. В ходе исследования была проанализирована вариативность измерения тренировочной нагрузки и показателей ловкости.

#### *Rezume*

*In this article, the agility of handball players is studied by testing them with special tests. In the course of the study, the variability in the measurement of training load and agility indicators was analyzed.*

**Kalit so‘zlari:** chaqqonlik, sport pedagogik mahoratini oshirish, jismoniy tayyorgarlik, oliy liga, O‘zbekiston chempionati.

**Ключевые слова:** ловкость, спортивно-педагогическое мастерство, физическая культура, высшая лига, чемпионат Узбекистана.

**Base words:** agility, improving sports pedagogical skills, Physical Training, Higher League, Championship of Uzbekistan.

УДК. 796.08/796.05

## ТАЭКВОНДОДА МУСОБАҚА ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНИДАГИ ХУЖУМ ҲАРАКАТЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ТАҲЛИЛИ

А.А.Нуритдинов

### *Ўзбекистон давлат jismoniy тарбия ва спорт унверситети*

Биз, тадқиқотларимизда М.А.Годикнинг (1966, 1982) таклифида тўхтадик, у яккакурашлардаги мусобақаларда қўлланиладиган назорат усуллари ва объектлари хужум ва ҳимояланиш ҳаракатларининг хажмига, хилма хиллигига ва самарадорлигига тааллуқли, деб ҳисоблайди.

Республика аҳамиятига эга бўлган учта мусобақалардаги мусобақа фаолияти қайд қилинди ва таҳлил қилинди, улар компьютер техникасини қўллаш билан кейинчалик оператив қайта ишланди.

МФ таҳлили кўрсатадики, беллашув зарба техникасидан (100%), қўллар билан танага бериладиган зарбалардан – 2,1%, оёқлар билан танага бериладиган зарбалардан – 82,3%, оёқлар билан бошга бериладиган зарбалардан – 15,6% ташкил топган.

Зарба техникасидаги устиворликлар. Қўллар билан танага бериладиган зарбалар - 2,1%, оёқлар билан бериладиган зарбалар - 97,9%.

Техник усулларнинг фоизли нисбати қуйидагича кўринишга эга (1-расм): миро чаги - 3360 та зарбалар (3,3%), момтом- ольгуль даро чаги - 360 та зарбалар (0,4%), твит хурйо чаги - 850 та зарбалар (0,8%), твит чаги - 13680 та зарбалар (13,2%), нэръё чаги - 3840 та зарбалар (3,7%), момтом даро


чаги - 13860 та зарбалар (13,4%), ольгуль доллио чаги - 2850 та зарбалар (2,8%), момтом доллио чаги - 62390 та зарбалар (60,3%), джируги - 2210 та зарбалар (2,1%).

Ҳакамлар томонидан баҳоланган техник ҳаракатлар қуйидагича кўринишга эга бўлди: миро чаги - 640 та зарбалар, момтом-ольгуль даро чаги - 180 та зарбалар, твит хурйо чаги - 360 та зарбалар, твит чаги - 3600 та зарбалар, нэръё чаги - 320 та зарбалар, момтом даро чаги - 1450 та зарбалар, ольгуль доллио чаги - 780 та зарбалар, момтом доллио чаги - 6600 та зарбалар, джируги - 10 та зарбалар.

Хужум ҳаракатларининг самарадорлиги коэффициентини – Ксам. ҳисоблаш – бу, ҳакамлар томонидан баҳоланган зарбаларни амалга оширилган зарбалар миқдорига нисбати сифатида (М.А. Годик, 1982; О.П. Фролов, Г.М. Вартанов, М.И. Испандияров, 1986) кўрсатдики: миро чаги Ксам. - 0,190 ни, момтом-ольгуль даро чаги Ксам. - 0,500 ни, твит хурйо чаги Ксам. - 0,423 ни, твит чаги Ксам. - 0,263 ни, нэръё чаги Ксам. - 0,083 ни, момтом даро чаги Ксам. - 0,104 ни, ольгуль доллио чаги Ксам. - 0,273 ни, момтом доллио чаги Ксам. - 0,105 ни, джируги Ксам. - 0,004 ни ташкил қилди (1-расм).

МФ давомида ҳар хил хужум зарбаларини қўллаш частотасини ва самарадорлигини муваффақиятли бажариладиган ва ҳакамлар томонидан баҳоланган аспектда ҳам ва техник-тактик ҳаракатларни бажаришга уринишлар ва уларни бузиш нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилиш, қуйидаги хулоса чиқариш имконини берди: энг тез-тез қўлланиладиган зарбалар тури: доллио чаги, твит чаги, момтом даро чаги; энг кам қўлланиладиган зарбалар тури: нэръё чаги, твит хурйо чаги, ҳамда қўл билан джируги зарбаси. Лекин, момтом-ольгуль даро чаги, твит хурйо чаги каби зарбалар тури ишончлиликнинг катта коэффициентиға эга, улар, шу билан бирга, спорт беллашувларида кам қўлланилади.

Таэквондода хужум ҳаракатлари самарадорлигининг умумий коэффициенти – 0,135 га тенг. Хужум техник ҳаракатларини қўллаш частотасига қоидалар томонидан қўйиладиган оширилган талаблар, спортчилар огоҳлантириш олишлари ва хаттоки беллашувни пассив олиб борганлиги учун ютқизиб қўйиши ҳам мумкинлиги туфайли, уларга зарбаларни пухта тайёрлашга имкон бермайди. Шу сабабга кўра, спортчилар техник жиҳатдан соддалаштирилган йўлдан боришга: вақт жиҳатидан узок тайёрланишни талаб қилмайдиган, камроқ даражада натижали бўлган усуллар билан хужум қилишга мажбур бўлишади.



1-расм. Таэквондо бўйича спорт беллашувида қўлланиладиган хужум усулларининг самарадорлиги коэффицентини (WTF)

1. мира чаги
2. момтом-ольгу ль даро чаги
3. твит хурйо чаги
4. твит чаги
5. нэрье чаги
6. момтом даро чаги
7. ольгу ль долио чаги
8. момтом долио чаги
9. джируги зарбалар

Бундай ҳолат, беллашувнинг томошабоплигига ва таэквондода техник ҳаракатларни қўллашнинг хилма хиллигига анча қаршилиқ кўрсатади (WTF).

Юқорида баён қилинганларни умумлаштириб, қуйидаги **хулосаларга** келиш мумкин:

Энг кўп қўлланиладиган техник ҳаракатлар – оёқ билан долио чаги зарбасини бериш ҳисобланади.

Мусобақалар қоидаларида амалга оширилган охирги ўзгартиришлар ўз ортидан, бир томондан, беллашувни олиб бориш фаоллигини оширилишига ва хужум ҳаракатларининг миқдорини ортишига, бошқа томондан эса – техник хилма хилликни анча пасайишига олиб келди.

Бажариладиган хужум ҳаракатларининг хилма хиллигини ва ишончилигини ошириш учун тренировка жараёнида, акцентни бошга хужум қилишга йўналтирилган анча мураккаб ва хилма хил техник ҳаракатларни тайёрлашга қаратиш зарур, чунки ҳакамлар, мусобақалар қоидаларига таянган ҳолда, бундай зарбаларга устиворликни беришади.

Таэквондочилар мусобақа беллашувларида жанговар ҳаракатлари ичида комбинация ва зарбалар сериясини 24,3% қўллашади. Зарба бериш хавфи ва

алдамчи хужум қилиш билан хужумни амалга ошириш - 6,9 %, зарбалар серияси эса - 17,4% ни ташкил қилади.

Мазкур тадқиқот, юқори даражада ишончли бўлган техник-тактик ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги тўғрисидаги тахминни илгари суришга имконият берди, спортчиларни тайёрлашнинг анча рационал дастурларини асослаш мақсадида мусобақа фаолиятини янада таҳлил қилиш ва ўқитишнинг анча самарали методикаларини ишлаб чиқиш зарурлигини талаб қилади.

Таэквондода педагогик жараёни такомиллаштириш юқори малакали спортчиларнинг мусобақа фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олиш асосида мумкин бўлади. Мусобақа фаолиятининг мазмуни – спорт такомиллашувининг барча босқичларида ўқув-тренировка машғулотларини режалаштириш пайтида ориентир ҳисобланади. Бунда, модели тавсифлар сифатида таэквондо бўйича мусобақалар чемпионлари мусобақа фаолиятининг параметрларини кўриб чиқиш керак.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2821-сонли “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4877-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли Фармони.

5. Abdurasulova G.B., Nuritdinova Sh.N., Tajibayev S.S., Rahmatov B.Sh., Taekwondo nazariyasi va uslubiyati”. Darslik. -. Toshkent-2018. - 563 bet.

6. G.B. Abdurasulova., Sh.N. Nuritdinova., S.S. Tajibayev., “Taekwondo nazariyasi va uslubiyati” Darslik. Toshkent “Turon-Iqbol” 2015 y. 563 b.

7. Годик, М.А. Контроль тренировочных и соревновательных нагрузок / М.А. Годик. -М. : ФиС, 1980. - 131 с.

8. Железняк Ю.Д., Петров П.К. Основы научно-методической деятельности в физической культуре и спорте. - М.: Академия, 2009.

9. Керимов Ф.А. Научные исследования в спорте. - Т., 2004.

10. Матвеев Л.П. Общая теория спорта и ее прикладные аспекты. - М.: Советский спорт, 2010.

11. Новоточина Л.В. Управление физкультурно-оздоровительной деятельностью в образовательном учреждении инновационного типа. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Москва: 2009. – 21 с.

12. Панковская П.Я. Методология научных исследований. - Минск, 2002.

13. Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Т.:ЎзДЖТИ нашриёти, 2005. – 261 бет.



14. Фролов, О.П. Методика изучения соревновательной деятельности боксеров: Метод, рекомендации / О.П. Фролов, Г.М. Варганов, М.И. Испандияров. - М.: ВНИИФК, 1986. - 33 с.
15. Ю.М.Бабак, э. Константинова Таэквондо: Методическое пособие Киев: 2010 г. 88 с.
16. [wtuzbekistan@hotmail.com](mailto:wtuzbekistan@hotmail.com)
17. <http://m.worldtaekwondo.org/rules-wt/rules.html>

**Резюме**

*Мақолада таэквондодо мусобақа фаоляти жараёнидаги хужум ҳаракатларини баҳолашнинг таҳлили ҳақида мисоли келтирилган.*

**Резюме**

*В статье представлен пример анализа атакующих действий во время соревнований по таэквондо.*

**Resume**

*The article presents an example of the analysis of attack actions during competition in taekwondo.*

**Калим сўзлар:** Спортчиларни тайёрлаш, юқори натижа, юксак кўрсаткичлар, жисмоний тайёргарлик, техник-тактик ҳаракатлар, мусобақа, хужум ҳаракатлари, зарба, спорт ютуқлари.

**Ключевые слова:** Подготовка спортсмена, высокий результат, высокая работоспособность, физическая подготовка, технико-тактические действия, соревнование, наступательные движения, удары, спортивные достижения.

**Key words:** Athlete training, high result, high performance, physical training, technical and tactical actions, competition, offensive movements, strikes, sports achievements.

## **JÁMIYETLIK-GUMANITAR HÁM TÁBIYIY ILIMLER**

УДК. 37.01/09

### **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XXI АСР БОШЛАРИДА ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

*Т.Т.Утебаев – п.ф.д., доцент*

*Нукус давлат педагогика институти*

Узоқ тарихга эга бўлган қорақалпоқ халқининг таълим-тарбияга оид бой ҳаётий тажрибаси келгуси ёш авлодни билимли, хур фикрли, эътиқодли, мустаҳкам ирода, дунёқараш ва тафаккурга эга, ўзлигини, ўз ҳақ-ҳуқуқини, ниҳоят, миллий ўзлигини англаган баркамол шахс сифатида тарбиялашдек кучга эга. Айниқса, халқимизнинг фан, мактаб ва маориф соҳасидаги бой тажрибасини илмий ўрганиш, уларнинг мақсадга мувофиқ жиҳатларидан бугунги таълим тизимида самарали фойдаланиш ижтимоий заруриятдир. Бу биринчидан, таълим сифатини оширса, иккинчидан, келажак авлоднинг қалбида Ватан туйғусини шакллантиради. Учинчидан эса, педагогика илмини, аниқроғи педагогика назарияси ва тарихи соҳасини муайян тарихий-педагогик фикр билан бойитишга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида таълим-тарбия олдида турган муҳим вазифалардан бири: “Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айти замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди” [4].

Мустақил Ўзбекистоннинг таркибий қисми сифатида юқоридаги тарихий даврларда қорақалпоқ ўлкасида ҳам унинг маҳаллий шароитларидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбияга оид фикрлар шаклланиб, ривожланиб бордики, уларни умумлаштириб, маълум тизимга солиб, бугунги кун таълим-тарбия самарадорлигини оширишда унумли ва ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қорақалпоғистонда мустақиллик арафасида педагогик фикрлар, тарбия назариясига доир олиб борилган тадқиқот ишлари маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, бадиий-эстетик, экологик, жисмоний ва тарбия турларига бўлиниб, янгича ёндашув асосида улар миллий руҳ билан бойитилди.

Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланиши энг қадимги даврлардан 30-йилларгача бўлган даври проф.У.Алеуов томонидан батафсил тадқиқ этилган. XX асрнинг 20-30-йиллари қорақалпоқ халқининг ижтимоий-маданий-маънавий ва маърифий ҳаётида бир қадар ривожланиш даври ҳисобланади. Бу даврда жадидчилик ҳаракати, халқ орасидаги зиёлиларнинг ташаббуси ва ҳаракатлари таъсирида маданиятнинг асоси қилиб халқни

маърифатли этиш устивор йўналиш сифатида белгилаб олинди[1]. Шу боисдан бўлса керак мазкур давр кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Айниқса, халқнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, мактаб, маориф, маданият масалалари Ш.Непесова, У.Шалекенов, А.Панабергенов, Р.Тимашева, Б.Султамуратов, Ж.Урумбаевларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Бизнинг мақсадимиз уларни қайта такрор тадқиқ этиш эмас, балки шу бугунги кунга қадар архивлардаги яширин фондлар, яъни мустақиллик шарофати билан ўқиш, ўрганиш имконияти туғилган фондлардан ва бошқа педагогик тарихий ва адабий манбалардан фойдаланган ҳолда уларнинг мазмунини янада бойитиш, маълум тизимга солиш, қиёсий таҳлил этиш ҳамда бугунги кун таълим тизими жараёнига тадбиқ этиш имкониятлари юзасидан тавсиялар беришдан иборатдир. Негаки, айнан ушбу давр Қорақалпоғистон шароитида илмий-педагогик фикрларнинг шаклланиши ва ривожланишига, мактаб, маориф ва бошқа педагогик ўқув муассасаларининг ташкил этилишига асос солинган давр ҳисобланади[2].

XX аср охири ва XXI аср боши халқимиз тарихида мустақилликнинг қўлга киритилиши билан аҳамиятлидир. Илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистонда таълим-тарбияга оид педагогик фикрлар тараққиёти маълум даражада ўрганилган.

Қадимий Хоразмда Қорақалпоқ ўлкасида юзага келган илк мактаблар тарихи, маориф тизимининг шаклланиши тарихи бўйича педагог ва тарихчи олимлар Ж.Урумбаев, Г.Непесов, У.Алеуов, М.Қарлибаевлар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

XIX асрнинг бошидан мустақиллик йилларигача бўлган даврларда Қорақалпоғистон шароитидаги таълим-тарбия, мактаб ва маориф масалалари Н.А.Урумбаев, Ш.Непесова, Д.Г.Тимашева, Б.Султамуратов, Г.Баймуратов, Қ.Данияров, Р.П.Хван, Т.Карамаддинова, П.Шилманов, Р.Жуманиязовлар томонидан илмий-педагогик таҳлил этилган, аммо уларнинг баъзилари ўз замонасининг талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилган[2].

Қорақалпоқ халқи ўз мустақиллигига эга бўлгач, таълим-тарбия масаласида янгича педагогик фикрлар шаклландики, У.Алеуов, Э.Янгибаева, П.Абдимуратов, Р.Уразбаева, У.Сейтжанова, Ф.Бабашев, З.Қурбаниязова, А.Тилегенов, П.Берданова, С.Романова, Р.Алеуова ва бошқалар, уларда қорақалпоқ халқининг миллий менталитетини инобатга олган ҳолда миллий тарбия, ўзликни англаш, келажак авлодни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш масалалари илгари сурилган[2].

Қорақалпоғистонда маданият, мактаб ва маориф тизими тарихига доир илмий тадқиқот ишлари мавжуд. Ушбу илмий тадқиқот ишлари қисқа тарихий даврларни ўз ичига олган ва ушбу манбалар Жумек Урумбаев учун Қорақалпоғистонда мактаб ва маориф тизимини тизимли равишда ўрганишида йўлланма вазифасини ўтади. Олимнинг узоқ йиллик илмий изланишлари натижасида “Қорақалпоғистон мактаблари тарихи бўйича очерклар” номли китоби XIX асрнинг бошларидан XX асрнинг

70-йилларигача қорақалпоқ ҳудудидаги маориф ишлари ҳамда дастлабки мактабларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи масалаларининг илмий педагогик асосларини ёритиш билан бошланади [4].

Н.А.Урумбаев рус тилини ўқитиш методикаси, рус графикаси асосида янги қорақалпоқ алифбосидаги ёзув, унинг морфологияси тўғрисида тадқиқотлар олиб борди. У қорақалпоқ тилидаги мактабларда рус тилини ўқитишнинг самарали йўллари илмий таҳлил этиб, «Основы методики русского языка в Каракалпакской школе» (1969) номли катта монография яратиб Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган [5].

Г.Убайдуллаев 1929-1930-йилларда қорақалпоқ тили алифбоси, орфографияси ва терминологиясини тузиш, шунингдек бошланғич мактаблар учун грамматика ва ҳуснихат бўйича ўқув қуролларини ишлаб чиқиш каби давр талаб этган долзарб муаммоларни ҳал этишда фидойилик кўрсатди [6].

Ж.Қайирбаев Қорақалпоқ мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда педагогика билим юртларининг талабалари учун дастурлар тузди, илмий-назарий ва амалий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда 1961 йилдан бошлаб ҳаммуаллифликда биринчи синфлар учун “Алифбо”ни яратди. Деярли 30 йил давомида узлуксиз равишда чоп этилиб борилган “Алифбо”ни ўқитишга доир бир неча методик қўлланмалар ҳамда бошланғич синфларда қорақалпоқ тилини ўқитиш методларига оид ўқув қўлланмаларини яратди [7].

Хуллас, Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг энг қадимги даврлардан 30-йилларгача бўлган ривожини 30-йиллардан мустақилликкача бўлган даври мустақиллик давридаги педагогик фикр тараққиётида муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

#### Адабиётлар:

1. Алеуов У. Каракалпакия. // Педагогическая энциклопедия. М., 1993. Том 3. 647 б.
2. Алеуов У., Утебаев Т. Қарақалпақстанда педагогика илмининг қелиплесиуи ҳам раўажланыуи.- Т.: Фан ва технологиялар, 2007. – 128 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият,2008.-77 б.
4. Урумбаев Дж. Очерки по истории народного просвещения и школы в Каракалпакии. Автореф. дис...канд. пед. наук. – М. - 1949. - 28 с.
5. Урумбаев Н.А. Основы методики русского языка в каракалпакской школе. – Нукус: Каракалпакистан, 1979. - 84 с.
6. Утебаев Т.Т. Қорақалпоғистонда ХХ асриккинчи ярми-XXI асрнинг бошида таълим-тарбиявий фикрларнинг ривожланиши. - Нукус: Билим, 2015. 198 б.
7. Қайырбаев Ж. Ҳэриплик. Баслаўыш мектептиң алты жасарлар оқыйтуғын биринши класы ушын сабақлық. – Нөкис: Билим, 1991. -22 б.

#### Резюме

*Ушбу мақолада 20-асрда Қорақалпоғистонда педагогика фанининг шаклланиши ва ривожланишига оид олдинги тадқиқотлар таҳлил қилинган. Унда бутун бир аср давомида Қорақалпоғистон Республикасида таълим ва фаннинг асосий масалалари ва муаммолари ёритилган. Кўриб чиқиш хронологик тартибда амалга оширилади.*

### **Резюме**

Данная статья - это обзор и анализ проведенных ранее исследований по формированию и развитию педагогической науки в Каракалпакстане в XX веке. В ней рассматриваются основные вопросы и проблемы образования и науки в республике Каракалпакстан на протяжении целого века. Обзор ведется в хронологическом порядке.

### **Resume**

This article is a review and analysis called on earlier studies on shaping and development of the pedagogical science in Karakalpakstan in XX century in it is considered main questions and problems of the formation and sciences in republic Karakalpakstan on length integer age. The Review to guide to cronological order.

**Калим сўзлар:** Қорақалпоғистонда педагогика фанининг шаклланиши ва ривожланиши: илмий-методик иш, таълим, фан, назария, тарих. педагогика.

**Ключевые слова:** Становление и развитие педагогической науки в Каракалпакстане: научно-методический труд, образования, наука, теория, история. педагогика.

**The Keywords:** Formation and development of the pedagogical science in Karakalpakstan: scientifically-methodical labour, formation, science, theory, history, pedagogy.

УДК. 37.09

## **ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ф.Н.Халилов - п.ф.д., проф.**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Психологларнинг таъкидлашларича, инновацион педагогик технологиялар асосида таълим тизимини бошқаришнинг хусусиятларидан бири бу ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари, шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Л.С.Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди.

А.Н.Леонтьев ўйинга шахснинг ҳаётдаги амалга ошириб бўлмайдиган қизиқишлари (манфаатлари)ни ҳаёлан амалга оширишдаги эркинлиги сифатида қарайди. Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади. Улар қуйидагилар:

- **мафтункорлик;**
- **коммуникативлик;**
- **ўз имкониятларини амалга ошириш;**
- **даволовчилик;**

- *ташхис;*
- *миллатлараро мулоқот;*
- *ижтимоийлашув.*

Тадқиқотчилар ўйин хусусиятларини ишлаб чиққанлар. Ўйинларнинг муҳим қирралари С.А.Шмаков томонидан ёритилган. У эркин ривожланувчи фаолиятни фарқлайди. Бундай фаолият фақат натижа (тадбирни) туфайли баҳра олиш учун эмас, балки хоҳишларига кўра, фаолият жараёнининг ўзидан баҳра олиш учун қўлланади.

Ўйин ижодийлиги билан ажралиб туради. У мумкин қадар бой, фаол характерга – «ижод майдони»га эга бўлади. Ўйин учун ҳиссий кўтаринкилик хосдир. У ўзаро кураш, мусобақалаш, рақобат шаклида намоён бўлади.

Ўйиннинг ўйин мазмунини акс эттирувчи, уни ривожлантиришнинг мантиқий ва вақтинча изчиллигини кўзда тутган бевосита тегишли ва унга нисбий алоқадор қоидалари бўлишини кўрсатадилар.

Тадқиқотчилар назарий аспектда ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қарайдилар. Ўйин фаолият сифатида мақсадни белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишни қамраб олади ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тўла амалга оширади.

Ўйинли фаолиятни мотивациялаш ўйин характерининг мусобақалаш шартлари, шахснинг ўзини намоён қила олиши, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларини қондиришдан келиб чиқади.

Жараён сифатида ўйин тузилмаси (Г.К.Селевко таъбирича) қуйидагиларни ёзишга қамраб олади:

- *ўйнаш учун олинган роллар;*
- *бу ролларни ижро этиш воситаси бўлган ўйин ҳаракатлари;*
- *предметларни, яъни ҳақиқий нарсаларни шартли, ўйин нарсалари ўрнида қўллаш;*
- *ўйинда иштирок этувчиларнинг реал ўзаро муносабатлари;*
- *ўйинда шартли равишда яратилган сюжет (мазмун) – ижро соҳаси.*

Ўйиндан тушунчалар, мавзу ва ҳатто ўқув предмети бўлимини ўзлаштиришда ўқитиш методи ва мустақил технология сифатида фойдаланилади. Ўйин билиш ва унинг бир қисми (кириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) тарзида ташкил этилади. Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув мақсадларда қўлланади.

Ўйиннинг дидактик мақсади билимлар доираси, билиш фаолияти, амалий фаолиятида билим, малака ва кўникмаларни қўллаш, умумтаълим малака ва кўникмаларни ривожлантириш, меҳнат кўникмаларини ривожлантиришни кенгайтиришга қаратилган бўлади.

Ўйиннинг тарбиявий мақсади мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтаи назарлар, маънавий, эстетик ва дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, коллективизмни, жамоага киришиб кета олишни, коммуникативликни тарбиялашга қаратилган бўлади.

Фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар диққат, хотира, нутқ, тафаккур, қиёслаш малакаси, солиштириш, ўхшашини топиш, фараз, хаёл, ижодий қобилият, эмпатия, рефлексия, оптимал ечимни топа олиш, ўқув фаолиятини мотивациялашни ривожлантиришга қаратилган.

Ижтимоийлашув ўйинлари жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларига жалб қилиниш, муҳит шароитларига кўникиш, эҳтиросларни назорат қилиш, ўз-ўзини бошқариш, мулоқотга ўргатиш, психотерапияни назарда тутати.

Педагогикага оид адабиётларда педагогик ўйин деган тушунча мавжуд. Педагогик жараёни ташкил этишнинг бир қатор методлари ва усуллари ҳамда турли шаклдаги педагогик ўйинлар «ўйинли педагогик технологиялар»ни ташкил этади. Педагогик ўйинда таълимнинг педагогик мақсадлари аниқ қилиб қўйилади. Педагогик ўйинлар асосида талабаларни ўқув фаолиятига йўлловчи ўйинли усуллар ва вазиятларни вужудга келтириш этади.

Г.К.Селевко томонидан педагогик ўйинлар таснифи ва уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Педагогик ўйинлар қуйидаги асосий йўналишларда бўлади:

- *дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;*
- *ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди;*
- *ўқув материалдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;*
- *ўқув жараёнига дидактик вазифа қўйинга айлантирилган тарзда мусобақалашни унсурлари киритилади;*
- *дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.*

**Педагогик ўйинлар фаолият турлари, педагогик жараён характери, ўйин методикаси, соҳа хусусияти, ўйин муҳити бўйича тасниф қилинган (4.01 таблицага қаратилсин).**

Олий мактаб амалиётида тадбиркорлик ўйинларига алоҳида аҳамият берилади. Тадбиркорлик ўйинлари назарияси умуман бошқа ўйин фаолияти назарияси билан бевосита боғланган. Тадбиркорлик ўйинларини машҳур психологлар Л.С. Вигодский, А.Н. Леонтьев, П.Я. Гальперин ва бошқаларнинг ишларида назарий асосланган. Тадбиркорлик ўйинлари ўз характерига кўра инсоннинг шахсий хислатларини шакллантиришнинг амалдаги воситаси ҳисобланади.

Тадбиркорлик ўйинлари билиш ва ўқитишнинг воситаси сифатида XX асрнинг 20-йилларида гуркираб ривожланди. Тадбиркорлик ўйинларига тақлидий (имитацион) ўйинлар билишнинг воситаси сифатида асос бўлди. Тақлидий ўйинларга ўз навбатида ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ўйинлар асос бўлган.

А.А.Вербицкий тадбиркорлик ўйинларига ўқитишнинг ишоравий-контекст шакллари сифатида қарайди. Унинг фикрича, тадбиркорлик ўйинларида машқ қилиш фаолияти ва бўлажак касбий фаолият модел ёки унинг прототиби, қайсидир сунъий ва табиий тизим сифатида ўзаро нисбатланади. Шу туфайли тадбиркорлик ўйинлари касбий фаолиятнинг

ишоравий моделлари сифатида белгиланади, унинг контексти (мазмун) ишора воситалари, яъни табиий тилни ҳам ҳисобга олган моделлаштириш, тақлид (имитация) ва алоқа ёрдамида берилади.

А.А.Вербицкий олий ўқув юртининг вазифасини бундай ўқитишда, яъни талабани бир етакчи фаолият типи (сқув)дан бошқа (касбий) типга фаолиятнинг предмети, мотиви, мақсади, воситаси, усул ва натижаларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган (ўзлаштирилган) ҳолда ўтказишни таъминлаш деб билади.

Тадбиркорлик ўйини янги технология сифатида моҳиятан қуйидагиларни билдиради:

- *ишлаб чиқариш имитацион модели сифатида тақдим этилган ўқув материали мазмунининг изчиллиги;*

- *ўйинли ўқув моделида келгусидаги касбий фаолияти таркибий қисмларини яратиш;*

- *ўқув жараёни тарзини билимларга эҳтиёжларни тугдириш ва уларни амалда қўллашнинг реал шароитларига яқинлаштириш;*

- *ўйиннинг таълимий ва тарбиявий самарадорлиги йиғиндиси;*

- *ўйинни олиб борувчи ўқитувчининг талабалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришидан талабаларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ташкил этиш ва бошқаришга ўтишини таъминлаши.*

**А.С. ва Г.Ф. Арбеньевлар тадқиқотларида тадбиркорлик ўйини мутахассиснинг эвристик тафаккурини ривожлантиришнинг самарали методларидан бири сифатида баҳоланади.**

А.Тюков фикрича, ҳар қандай ўйин қай тарзда лойиҳалаштирилишидан қатъий назар, уларнинг ҳар бири қуйидаги талабларни бажариши лозим:

- *касбий доира имитацияси яхлитлиги. Ўйин имитациясига тааллуқли бўлган тузилма ва жараёнлар асосий воқеликни акс эттирувчи умумий сюжет ёки асосий мавзуга эга бўлиши лозим;*

- *мустақил ташкил этишга йўналганлиги;*

- *ўқитишнинг муаммолилиги;*

- *методологик, психологик ва техник жиҳатдан таъминланганлиги.*

**Ташкилий ўйин аслида тобора такомиллашиб борувчи ўқитишни таъминлаши керак. Шу мақсадда унда фаолият ривожланишининг тўлиқ даврийлиги имитацияси амалга оширилади, яъни қандайдир вазият ечимига бўлган ёндашувдан топилган ечимнинг умумлаштирилган баҳоси ўтилади.**

А.А.Тюков ўйин даврийлигининг қуйидаги босқичларни қайд қилади:

- *вазиятни ва муаммолаштиришни таҳлил қилиш асносида ўйиннинг асосий сюжет мавзуси бўйича фйин иштирокчисининг сермахсул мустақил ижодий иши.*

- *амалий гуруҳларнинг иш натижаларини умумий танқидий муҳокама қилиш;*

- *ўйин жараёни ва иштирокчилар хатти-ҳаракатларини рефлексив таҳлил қилиш;*



- *ечимни ташкил этиш босқичи.*

**Я.С. Гинзбург ва Н.М. Коряк ўйиннинг қуйидаги ижтимоий-психологик хусусиятларини фарқлайди:**

- *гуруҳ характери;*
- *яратувчилик, шартлилик;*
- *рамзийлик, утилитар бўлмаслик характери;*
- *белгисизлик (мавҳумлик), тарқалувчанлик хусусияти*

**Тадбиркорлик ўйинини тайёрлашнинг ижтимоий-психологик муаммоларига қуйидагилар киради:**

- *иштирокчиларни танлаш;*
- *ролларни тақсимлаш;*
- *ўйин раҳбарини ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш;*
- *ижтимоий психология бўйича умумназарий билимларни эгаллаш;*
- *назарий билимларини амалда қўллай олиш;*
- *шахсий тайёргарлик.*

**И.Оллоёров тадбиркорлик ўйинларига ўқув ишларини ташкил этишнинг бир шакли сифатида қарайди. У ўйинлар ўқув жараёнида ўз ўрнига эга ва ўқув жараёнининг асосий вазифалари, моҳияти ва тузилмаси ҳамда ўрганилаётган фаннинг дидактик табиатига боғлиқ бўлган, аниқ белгиланган дидактик функцияларни бажаришини таъкидлайди.**

**Тадбиркорлик ўйинларининг дидактик функцияларига қуйидагилар киради:**

- *талабаларда ақлий фаолият усуллариининг шаклланиши;*
- *билимларни мустақамлаш ва қўллаш;*
- *ўқув жараёнида бўлгуси мутахассиснинг фаолияти фақат ўрганиш эмас, балки уни бажаришга қаратилган дидактик қоидалар ишлаб чиқишдан иборат бўлиши;*
- *талабалар ўқув-билиш фаолиятининг бўлгуси касбий фаолияти, характери ва тузилмасига максимал даражада яқинлашиб бериши.*

Ҳозирги, олий мактабдаги самарадор ўқитиш технологияси – бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади. Муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллиги ўқитишнинг репродуктив шаклларига нисбатан тобора ўсиб боради.

Ҳозирги педагогикага оид адабиётларда муаммоли ўқитишнинг турли таъриф ва тавсифлари бор. Бизнингча, нисбатан тўлиқ ва аниқ таъриф М.И.Махмутова томонидан берилган бўлиб, унда муаммоли ўқитиш мантикий фикрлар тадбирлари (таҳлил, умумлаштириш) ҳисобга олинган ўргатиш ва дарс бериш усуллариини қўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиш ва талаб...) тизими сифатида изоҳланади.

Муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради.

Маълумки, ўқитишнинг ҳар қандай асосида инсон фаолиятининг муайян қонуниятлари, шахс ривожини ва улар негизида шаклланган педагогик фаннинг тамойиллари ва қоидалари ётади. Инсоннинг билиш фаолияти жараёни мантиқий билиш зиддиятларини ҳал қилишда объектив қонуниятлари дидактик тамойил – муаммолилика таянади.

Ўқитишнинг ҳозирги жараёни таҳлили психолог ва педагогларнинг фикрлаш муаммоли вазият, қутилмаган хайрат ва маҳлиё бўлишдан бошланади, деган хулосалари ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Ўқитиш шароитида инсоннинг ўша психик, эмоционал ва ҳиссий ҳолати унга фикрлаш ва ақлий изланиш учун ўзига хос туртки вазифасини бажаради.

Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Шунингдек, ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай вазиятларни яратишнинг махсус усулларини ишлаб чиқиш зарур. Шундай қилиб, ўқитишда муаммоли вазият шунчаки «фикр йўлидаги қутилмаган тўсиқ» билан боғланган ақлий машаққат ҳолати эмас. У билиш мақсадлари махсус тақозо қилган ақлий таранглик ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излари ва янги юзага келган вазифани ҳал қилиш учун ақлий ва амалий ҳаракат усуллари ётади. Бунда ҳар қандай машаққат муаммоли вазият билан боғлиқ бўла вермаслигини таъкидлаш ўринли бўлади. Янги билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий машаққат муаммоли бўлмайди. Бундай машаққат ақлий изланишни кафолатламайди. Муаммоли вазият ҳар қандай фикрлаш машаққатларидан фарқ қилиб, унда талаба машаққат талаб қилган объект (тушунча, факт)нинг унга аввал ва айни вақтда маълум бўлган вазифа, масала бўйича ички, яширин алоқаларини англаб етади.

Шундай қилиб, муаммоли вазиятнинг моҳияти шуки, у талаба таниш бўлган маълумотлар ва янги фактлар, ҳодисалар (қайсики, уларни тушуниш ва тушунтириш учун аввалги билимлар камлик қилади) ўртасидаги зиддиятдир. Бу зиддият билимларни ижодий ўзлаштириш учун ҳаракатлантирувчи кучдир.

Муаммоли вазиятнинг белгилари қуйидагилар:

- талабага нотаниш фактнинг мавжуд бўлиши;
- вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билиш машаққатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммоли вазиятдан чиқа олиш ҳамма вақт муаммони, яъни нима номаълум эканлигини, унинг нутқий ифодаси ва ечимини англаш билан

боғланган. Муаммоли вазиятнинг фикрий таҳлил қиладиган бўлсак, у авваломбор талабаларнинг мустақил ақлий фаолиятидир. У талабани интеллектуал машаққат келтириб чиқарган сабабларни тушунишга, унга кириш, муаммони сўз билан ифодалаш, яъни фаол фикр юритишни белгилашга олиб келади. Бу ўринда изчиллик ёрқин кўринади: аввало муаммоли вазият юзага келади, сўнг ўқув муаммоси шаклланади.

Ўқитиш амалиётида бошқа вариант – ўша муаммо ташқи кўринишда муаммоли вазият юзага келишига мувофиқ келгандай бўладиган вариант ҳам учрайди. Фактлар, ҳукмлар назарий қоидалар зиддиятлари мазмунидаги, саволлар кўринишидаги муаммонинг ифодаси одатда «нимага» саволига жавоб бўладиган муаммоли вазиятнинг мавжудлигини акс эттиради.

Муаммо уч таркибий қисмдан иборат: маълум (берилган вазифа асосида), номаълум (уларни топиш янги билимларни шакллантиришга олиб келади) ва аввалги билимлар (талабалар тажрибаси). Улар номаълумни топишга йўналган қидирув ишларини амалга ошириш учун зарурдир. Аввало талабага номаълум бўлган ўқув муаммоси вазифаси белгиланади ва бунда унинг бажарилиш усуллари ҳамда натижаси ҳам номаълум бўлади, лекин талабалар ўзларидаги аввал эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб кутилган натижа ёки ечилиш йўлини излашга тушади.

Шундай қилиб, талабалар биладиган вазифа ва уни мустақил ҳал қилиниш усули ўқув муаммоси бўла олмайди, иккинчидан, бирор вазифанинг ечилиш усуллари ва уни излаш воситаларини билишмаса ҳам ўқув муаммоси бўла олмайди.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилар:

- янги билимларни шакллантиришга олиб келадиган номаълумнинг кўйилиши;
- талабаларда, номаълумни топиш йўлида изланишни амалга ошириш учун зарур бўлган муайян билим захирасининг бўлиши.

Ўқув муаммосини ечиш жараёнида талабалар ақлий фаолиятининг муҳим босқичи унинг ечилиш усулини ўйлаб топиш ёки гипотеза қўйиш ҳамда гипотезани асослашдир. Ўқув муаммоси муаммоли саволлар билан изчил ривожлантириб борилади ва бунда ҳар бир савол унинг ҳал қилинишида бир босқич бўлиб хизмат қилади.

Муаммонинг таркибий қисмлари, маълум ва номаълумнинг ўзаро муносабати характери билимга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради ва фаол билишга бўлган изланишга ундайди.

Таъкидлаш жоизки, муаммоли ўқитишнинг зарурий шарти талабаларда ҳақиқатни ва унинг натижасини излаш жараёнига бўлган ижобий муносабатни вужудга келтириш ҳисобланади.

Талабаларнинг муаммоли ўқитишдаги ижодий ва қидирув билиш фаолияти муаммоли вазият пайдо қилинганда, талабалар машғулотда муаммони ифодалаб беришдан иборат бўлади, яъни билишдаги қийинчиликларнинг пайдо бўлиши моҳиятини (яъни ушбу дамда унга нима маълум бўлса) сўз билан ифодалаб беради, сўнгра муаммонинг ечилиш

усулларини кидиради ва бунда турли тахминларни олға суради, талабалар ҳақиқий деб топган тахминлардан бирини фараз сифатида асос қилиб олади ва уни исботлайди, изланиш муаммо ёки вазифа бажарилгандан сўнг тугалланади.

### Дастурлаштирилган ўқитиш технологияси


«Дастур» атамаси электрон - ҳисоблаш техникаси луғатидан олинган бўлиб, кетма кет, хочти харокат (операция)лар тизимини билдириб, уларни бажариш олдиндан режалаштирилган натижага олиб боради. Дастурлаштириб ўқитишнинг асосий мақсади - ўқувчига жараёнда бошқаришни яхшилашдан иборат.

Дастурлаштирилган ўқитиш 60 йилларда янги дидактик, психологик ва кибернетик гоялар негизда пайдо бўлди. У ўқув жараёнининг шундқи технологиясини яратишга йўналтирилди, ўқувчининг билим олиш йўлидаги ҳар бир олға қадамни назорат қилиш ва бунинг эвазига унга ўз вақтида ёрдам беришга мўлжалланган эди. Ёмон бошқариладиган ўқув жараёнига хос бўлган ўқишда кўпгина қийинчиликларга дуч келиш, оқибатда қизиқишнинг йўқолиши ва бошқа салбий оқибатлардан ўқувчини халос этишга қаратилганди.

Дастурлаштирилган ўқитиш технологиясининг муаллифларидан бири профессор Б. Скиннер унинг асосига қуйидаги икки талабни қўяди:


- 1) назоратда чиқиш (кейтиш) ва ўз-ўзини назорат қилишга ўтиш;
- 2) педагогик тизимни ўқувчиларнинг ўзини-ўз ўқитишига (мустақил таълим олишларига) ўтказиш.

Б. Скиннер тўқри чиқиш дастурларни ишлаб чиқди (1 расм) ва унга мувофиқ ўқувчи ўқув материалининг ҳар бир порцияси билан бирин-кетин (яъни 1 - , 2 - , 3 -.... п-тартибда) танишади. Саволларга ёки берилган жавоблар вариантларидан Вирортасини танлаш ёки мустақил машқлар бажариш орқали жавоб берилган. Лекин Скиннернинг дастури ўзини «оқламаган».



Иккинчи америкалик олим Н.Краудер тармоқланган дастурни тавсия қилиб, унда ўқитишга табақалаштирилган ёндашиш асос қилиб олинди (2 расм). Тармоқланган дастурда жавоб ўқувчини тармоқлардан бири бўйича ўқишни давом эттиришига имкон беради. Ўқувчи 1-порция материални ўзлаштиргач, ундан фақат 2-порцияга эмас, масалан 5 -порцияга, ундан 6-порцияга, 6-порциядан эса 2-порцияга ўтиши мумкин. Ўқувчи хатого йўл қуйиши мумкин, у ҳолда ўқувчига бу хатони тонишга, уни тўғрилашга, материални мустақамлашни машқ қилишга имкон бериш керак, деб ҳисоблади Краудер. Тармоқлашган дастурда ҳар бир жавоб ўқувчи

томонидан танланган йўлнинг имкониятларини аниқлаш ҳамда кейин нима қилиш кераклигини белгилаш учун фойдалан илади.



Дастурлаштирилган ўқитишнинг хусусиятлари:

а) ўқув материали алоҳида порция (доза)ларга бўлинади; б) ўқув жараёни билимлар порцияси ва уларни ўзлаштириш бўйича ақлий хатти-ҳаракатларни мужассамлайдиган (ўз ичига оладиган) кетма кет қадамлардан тузлпш бўлалн; г.) қар оир қадам назорат (саволлар, топшириқлар ва ҳ.к.) билан яқунланади; г) назорат топшириқларини тўғри бажарган ҳолатда", ўқувчи материалнинг янги порциясини олади ва ўқитишнинг келаси қадамини бажаради; д) тўғри жавоб берган ҳолатда ўқувчи ёрдам ва қўшимча тушунтиришлар олади; е) ҳар бир ўқувчи мустақил ишлайди ва ўқув материални ўзининг имконияти (куч) етадиган суръатда ўзлаштиради; ж) барча назорат топшириқларини бажаришнинг натижалари қайд этиб борилади, улар ўқувчиларнинг ўзларига ҳам мат.лум бўлади (ички акс алоқа), ўқитувчига ҳам белгили бўлади; з) ўқитувчи ўқитишнинг гашкилотчиси ва ўқувчи ўқув ишидаги қийинчиликларга дуч келинганида унга ёрдамчи (маслаҳатчи) вазифаларини бажаради, индивидуал ёндашувни амалга оширади; и) ўқув жараёнида дастурлаштирилиб ўқитишнинг махсус иоситалари қўлланилади.

Ҳозирги даврда программалаштирилган топшириқлар (дастурлар) омукта (комбинация)лашган схемада чузилади, ят,пи чнзиқли ва тармоқли дастурлар биргаликда қўлланилиб, натижада бундай дастурлар ўзгарувчан бўлади. Қуйида дастурлаштирилиб ўқитиш намунасини келтирамиз.

### **Интерфаол усулларни жорий этиш бўйича тавсиялар**

Таълимнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, жумладан, дарс сифатини ошириш учун қандай интерфаол (ўқитувчи ва талаба ўртасидаги фаол фикрлашувго қаратилган) усулларни қўллаш мумкин?

Тил ўқитиш ёки адабиёт дарсларида талабаларнинг сўз бойликларини ошириш, оғзаки ва ёзма саводхонликлари даражасини кўтариш асосий мақсадлардан ҳисобланади. Бунда талабанинг фаодлигини оширишга қаратилган ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, кластер, гуруҳий таҳлил, баҳс - мунозара, икки қисмли кундалик, синквейн, лимерик, мантиқин тестлар, БББ каби қўнлаб усулларни қўллаш мумкин.

Мустақил тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган дареларда 3 босқич мапжуд бўлади:

1. Дикқатни жалб қилиш босқичи.

2. Масалани англаш босқичи.
  3. Фйкрлаш босқичи.
  4. Бу босқичларни ўташ жараёнида қандай усулларни қўллаш мумкинлигини аниқ дарс мисолида кўриб чнқампз.
- I. Дарс мппчуси: Муҳаммад Захридлип Бобур ҳаёти ижоди. Бу мавзуни БББ усулидан фопдаланиб ўтиш мумкин.

Биламан	Билмоқчиман	Билиб олдим
1.	1.	1.
2.	2.	2.
3.	3.	3.
4.	4.	4.
5.	5.	5.

1. Дикқат, чақириш - мавзу ва савол.
2. Эслаш, аниқлаш - билганларини қайд этнш.
3. Англаш - матнни ўқиш, маълум ва янги ахборотни белгилаш.
4. Фикрлаш - янгиликларини ёзиб олиш.

ЮқориДаги жадвалга 1-босқични ўташ учун Бобур ҳақидаги билимлар ёдга олинади. Ўқитувчи талабаларга Бобур тўғрисида қандай маълумотларни билишлари ҳақидаги савол билан мурожаат этади. Жадвалнинг 1 - бўлими талабаларнинг берган ахборот - жавоблари билан тўлдирилади. 2 - қисмини тўлдириш учун талабаларнинг ушбу дарсдаги мақсадлари аниқланадй, яъни бу дарс жараёнида уларни Бобур ҳақидаги қандай масалалар қизиқтиради, шоир ҳақида яна қандай маълумотларни билиб олмоқчиликлари савол воситасида аниқланади, 2 - бўлимга саволлар езилади. 3 - бўлимни тўлдирнш учун эса ўқитувчи дарсда мўлжаллапган маълумотларни бериши керак. Буни 2 хил усулда амалга ошириш мумкин: 1 - усул: ўқитувчи сўзлайди, талабалар фақатгина янги деб ҳисоблаган маълумотларнигина ажратиб олиб, дафтарларига қайд этадилар. Бу усулда талабаниш эшитган ма'ърузадан ўзига керакли (янги) ахборотларни, уларнинг муҳпм ўринларинп ажрата олиш қобнлиягппп шакллоптиради. 2 усулда талабалар кнчик гуруҳ-ларга ажратиладп ва уларга Бобур тўғрисидагн маълумотлардан иборат матн берплади. Талабаларнинг матн гузиш саводхонликларини текшириш мақсадида ҳар бир талабага алоҳида берилган маълумотларни дафтарига ёзиб олиш назифаси топширплади. Фактларнинг аниқ, изчил, кетма - котликла ёзулганини, талабалар ёзуппий ўқиб текширмлади па баҳолсгнали.

2-Янги манзу ўзлаштирилгач, авпалгн дарсда ўтилган мавзуларни мустоҳкамлаш учун қуйилаги уеулдап ҳам фойдаланиш мумкин.

## ДИАГРАММА

Ҳар икки шахсининг фарқли томонлари:

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Навоий ҳақидаги билимлар		Бобур ҳақидаги билимлар
1.		1.
2.		2.
3.		3.
4.		4.

Ҳар икки шахнинг ўхшашлик томонлари

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Диаграмма шакли атрофида ёзилган топшириқларга жавоблар езиш учун талаболар кичик гуруҳларда ишлайдилар.

Эслатма! Гуруҳда ишлашнинг ҳам аҳамияти катга. Шунингдек, топириқлар бажарилганда гуруҳ номидан ким жавоб беришини аниқлашга ҳам эътибор бериш керак. Яъни ҳар доим фаол талабалар одатдагидек жавоб беравериши керак эмас. Муҳокама, мунозараларда ҳам талабаларнинг иштирокини таъминлаш учун ўқитувчи баъзи ҳолатда гуруҳ номидан ким жавоб беришини мазмун беришида белгилаш мумкин. Диаграмма шаклида таҳлил қилинган тарихий шахсларнинг ҳаёти ва ижодини таҳлил қилиш ҳам тарихий қачон?) ҳам географик (қайда?), ҳая илмий (фанга ҳиссалори) билимлари доирасини аниқлаш, шунингдек, ўзаро фикр алмашиш билан диққатларини қанчалири мумкин.

Белгиланган фикрларни 2 мавзуга ажратиб (Навоий ва Бобур), кичик ҳажми иш езиш ва уни баҳолаш мумкин.

Дарсда 1 босқич, яъни диққатни жалб қилишга оид саволлар билан ўқитувчи жараёни бошқариб туради. Ушбу усулдан янги мавзу ўтиш дарсида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда талабалар янги мавзуга оид маълумотлардан иборат матн билан кичик гуруҳларда ишлайдилар ва ушбу диаграммада берилган топшириқларни бажарадилар. (Изоҳ: Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мавзу аввалги дарсларда ўтилган).

Бу усулдан фақатгина шахсларга оид мавзуларни ўтиш вақтида эмас, балки ўзаро алоқадор тушуинчаларга аниқлик киритиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

3. Бадиий асарларни таҳлил қилиш дарсларида Кластер усулидан фойдаланиш мумкин. Унда 1 босқичда алаббот 1 ўзига оид алоқадор барча тушунчалар тартибсиз шаклда ёзиб, тўпланади. Сўнг уларни талабалар кичик гуруҳларда ўзаро боғлиқлигига кўра гуруҳлаштиридилар. Гуруҳли таҳлил қилинган, бадиий асарга алоқадор тушуинчалар бириктирилган гуруҳ алоҳида таҳлил қилинади. Мақсад - бадиий асарни санъат асари сифатида баҳолаш ва

уни таҳлил этишда қандай ўлчовларга кўра баҳолаш кераклигини, адабиётнинг вазифаларини аниқлаш. Бу вазифани бажаришда ҳам ўқитувчи саволлар бериб, талабаларнинг фикрларини жамлашга ундайди. Ўлчовлар белгиланган олинган, таҳлил қилкнмоқчи бўлган конкрет асар шу талабларга кўра қиёсланади.

4. Мунозара усулини деярли борча дарсларда қўллаш мумкини. Яъни ўқитувчи диктатни жасалб «тиш босқичида ҳам, фикрлаш босқичида ҳам тегишли масала иййича муаммоли вазиятни ҳал этишга қаратилган саволларни ўрнотиб ташлаш мумкин. Вазиятли масалалар таҳлили еки муаммолор ю.часидан сикр алмашувий кпчпк гуруҳларда еки жуфтлашг.ш Х°лдо амалга ошириш мумкин.

Талабаларнинг жавобларими баҳолашда уларнинг бошқаларни қанчалик даражада ўз фикрига қўшилишларига эришишига ҳам эътибор бериш керак. Шунда талаба шахсининг кўп жиҳатларини ўрганиш ва унга ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Мунозара усулини дебатлар до ҳам юритилади. Талабалар бу усулни талаблари билан таниш бўлишлари керак: 1) ўз-ўзига ишонч; 2) фаол иштирок; 3) ўртоқлари ва ўқитувчи билан фикр алмашиши ва бошқаларнинг фикрига эътибор олиши.

5. Куйндаги угулни тил Унпгш дпрсларида ҳам, адабиёт дарсларида ҳам қўллаш мумкин. усул иккн қисмли кундалик деб юритилади. Унда мавзуга оид бирор матн (бадиий асардан парча, шеър) тайёрланади. Масалан, «Ўзбекистон» шеъри. Диктатни жалб этиш босқичида ўқитувчи талабаларнинг мавзуга оид билимларини синаб барча маълумотларни қайд этишлари учун саволлар беради. Ҳар бир талаба ўша мавзу оид матн (6 минут вақт ичида). Сўнг улардан бпр нечтасини ўқиб эшитилади.

Ўзига хос қўлланган сўз, гап, ибора (цитата)лар	Изоҳлар

Талабалар яъни еки ўзига хос тарзда қўлланган сўз еки сўз бирикмаларини ажратиб, матнни индивидуал таҳлил қиладилар. Сўнг кичик гуруҳларга бирлашадилар. Ўқитувчи гуруҳда ишлаш учун алоҳида вақт болгилайди ва талабалар ўзаро фикр алмашадилар. Фикрларини умумлаштириб, гуруҳ номидан тақдим этадилар. Ўқитувчи айтидганларни умумлаштиради. Талабаларнинг фаол иштирокларини ижобий ҳолат сифатида баҳолаб, таъкидлаш билан уларни рағбатлантириш ҳам унутмаслик керак. Масалан, асарда қўлланган ўзига хос ифодалар қунидаги жадвалда ҳам таҳлил этилиши мумкин:

Т/р	Ўқувчи қўлаган сўз	Қайси сўз ўрнида қўлаган	Ўқувчининг мақсади	Сизнинг фикрингиз

6. «Доира столи» усули ҳам талабалар фаоллигини оширади. Унга кўра гуруҳ 4 - 5 талабадан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Дарсинг фикрлаш босқичида ўтилган мавзунинг муаммоси урнига тегишли бирор масала юзасидан савол берилади еки вазият таҳлили юз-юзидан топшириқ



берилади. «Доира столи»да ўтирган 4 талабанинг ҳар бири қоғозга қизиқтирган саволни ёзади. Саволга доирада ўтирган муаллифдан бошқа 3 талаба жавоб ёзади. Ҳар бир жавоб ёзилаётганда бошқа жавоблар кўринмаслиги керак. Бунинг учун қоғознинг жавоб ёзилган қисми буклаб қўйилади. Шундай қилнб\* ҳар бир талаба ўз гаволига учтадан жапоб олади. Жавоблар муҳокамаси учуп вақт ажратилади. Бу усулда талаба-бнр масалага уч - тўрт нуқтаи назардан ёндашувни кўради, ўз фикри билан солиштиради. Ўз фикрининг кай даражада тўғри ёкп холнслигини қиёслайди, натижада атрофлича фикрлашни ўрганади.

7. Интерфаол усулларнинг моҳиятини яхши тушунган, технологик жараёнда ишлашни ўрганган талабалар орасида янги мавзуни ўтишнинг яна бир усулини қўллаш мумкин. Бу усул «Зигзаг» деб аталади. Яъни мавзуга оид матн бўлимларга бўлиниб, кичик гуруҳлардаги талабаларга берилади. 1 - 1,5 бетда берилган ахборотни талабалар ўргатиб чиқадилар. Ўша ахборотни қайси усулда баён этишларини ўзаро келишиб оладилар. Сўнгра 1 бўлимни 1 гуруҳ, 2 -сини бошқа гуруҳ кетма-кет маълумотларни баён этадилар. Нотиқ талаба гуруҳда ишлаб чиқилган усулда (масалан, лимерик, БББ, кластер ва бошқа) маълумотни тақдим этади. Бутун гуруҳ матнини ҳамма қисмини баён этиб бўлгач, талабалардан белгиланган экспертлар (2 киши) мавзуни ким қандай ражада ўзлаштириб, тушунтириб бера олганлари ҳақида фикрларини айтадилар. Ўқитувчи бу жараёнларни бошқариб туради, фаол бўлмаган талабаларнинг ҳам иш жараёнига киришшларига ёрдам беради. Талабалар мавзуни ўзлари таҳлил этиб, ўзлари ишлаб чиққанлари, баҳслашиб хулоса чиқарганлари учун ҳам уни яхшироқ тушунадилар ва эслаб қоладилар. Албагга, ўқитувчи мавзунинг мураккаб ўринларини, атамаларни (ва б.) тушунтиришга ёрдам беради. Икки томонлама фаол алоқа мақсадни амалга оширишга ва кутилган натижага эришишга олиб келиши мумкин. Шу дарснинг ўзида талабаларни мавзу юзасндап ўзлаштириш даражаларини аниқлаб, улар баҳоланади.

#### Адабиётлар:

1. N. Azizxo'jaeva pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat o'quv qo'llanma/T,2006.-160 bet
2. B. Ziemuxemmedov pedagogik mahurat asoslari o'quv qo'llanma. T. 2009.-184 b.
3. M. Tojiev pedagogik texnologiya [ nazariy va amaliy o'quv mashg'ulotlarini loyixalash tajribasidan metodik tavsiyanoma] : T, 2013.-64.
4. O'.Tolipov. M. Usmonboyeva. pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. T-2005y.

#### Резюме

*Инновацион педагогик технологиялар асосида таълимни бошқариш хусусиятлари ва инновацион педагогик технологиялар асосида таълим тизимини бошқаришнинг хусусиятларидан бири бу ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари, шахснинг ўзини намоён қилиши, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиши, ўзини ўзи бошқариши, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига мисоллар келтирилган.*

#### Резюме

*Особенности управления образованием на основе инновационных педагогических технологий и одна из особенностей управления системой образования на основе инновационных педагогических технологий являются примерами психологических*

механизмов игровой деятельности, самовыражения личности, стабилизации своего места в жизни, самоуправления, и фундаментальные потребности реализации своего потенциала.

#### **Resume**

*Features of educational management based on innovative pedagogical technologies and one of the features of educational system management based on innovative pedagogical technologies are examples of psychological mechanisms of playful activity, self-expression of the individual, stabilization of one's place in life, self-management, and the fundamental needs of realizing one's potential.*

**Калим сузлар:** шахсинг ўзини намоён қилиши, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиши, ўзини ўзи бошқариши, ўз имкониятларини амалга ошириши, жараён.

**Ключевые слова:** самовыражение личности, стабилизация своего места в жизни, управление собой, реализация своего потенциала, процесс.

**Base words:** self-expression of the individual, stabilization of one's place in life, self-management, realization of one's potential, process.

UDK. 37/796.06

## **JISMONIY TARBIYA DARSLARI ORQALI O‘QUVCHILARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING PEDAGOGIK IMKONIYATLARI**

**Mirzakulov Akrom Gafurjanovich**

***O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi***

**Kirish.** Respublikamizdagi ijtimoiy – iqtisodiy o‘zgarishlar ta’lim sohasida tub islohotlarni talab qilmoqda. Chunki, jamiyat taraqqiyotida yuqori rivojlanish bosqichini boshdan kechirayotgan mamlakatlar tajribasida ta’lim – tarbiyaga alohida e’tibor qaratilganligi va uning jamiyat rivojiga ta’siri insoniyat tomonidan e’tirof etilmoqda. Demak, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotda jahon hamjamiyatiga kirish, tenglar ichida teng qadam tashlamoq uchun, ta’lim-tarbiyada halqimiz tajribasida sayqal topib, uzoq asrlardan buyon ta’lim-tarbiya vositasi bo‘lgan milliy qadriyatlarimizni e’zozlash, ularning yosh avlodni axloqiy-estetik shakllantirishdagi mohiyatini teran his etmoq, hayotiy zaruratga aylandi.

Maqolaning mavzusi tarixiy o‘tmishni tahlil etishni taqozo etmaydi, balki kelajak avlodni baxtiyor ko‘rmoq uchun bugun nimalarga e’tibor qaratish, qanday ishlarni amalga oshirishni jadallashtirish zarurligini ilmiy-nazariy jihatdan talqin etadi. Zero “O‘z tarixini bilmaydigan, kechagi kunini unutgan millatning kelajagi yo‘q. Bu haqiqat kishilik tarixida ko‘p bora o‘z isbotini topgan”.

Ayniqsa, yoshlarda Vatan tuyg‘usini shakllantirish Vatanimiz o‘tmishi, madaniyati, ma’naviyatini o‘rganish asosida hozirgi kundagi asosiy vazifalarni anglab yetmoqlik, muqaddas ona Vatanni buguni va kelajagi ana shu yosh avlodga bog‘liqligini har bir yuragida o‘ti bor Vatan farzandi Vatan istiqloqlini himoya qilishga har doim tayyor turishi, Vatani madaniyati, ma’naviyati va ma’rifatini rivojlantirish, uni dunyo sivilizatsiyasi darajasiga yetkazish uchun mas’ul ekanini anglab yetmoqlikka tayyorlash zarur.

«Jamiyat taraqqiyotining asosi, uni muqarrar halokatdan qutqarib qoladigan yagona kuch – ma‘rifatdir».

Darhaqiqat, O‘zbekiston azaldan ma‘naviy qadriyatlarga boy bo‘lib, ajdodlarimiz tomonidan ko‘p asrlar mobaynida yaratib kelingan g‘oyat ulkan, bebaho ma‘naviy va madaniy merosni o‘rganish milliy o‘zlikni anglashning asosidir.

**Adabiyotlar tahlili.** Barkamol avlodini shakllantirishda ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri. Jumladan, bu masala yuzasidan yurtimiz ziyolilari, olim va pedagoglari jiddiy izlanishlar olib bordilar. Xususan, A.Ibroximov, X.Sultonov, N.Jurayevlar, A.Meliboyev, M.Isokova, S.Axmedov va Sh.Rizayevlarni ilmiy asarlari va boshqa ko‘plab olimlarning to‘plamlari yuzaga keldi.

Qadriyatlar, ularning turlari, milliy va umuminsoniy qadriyatlarning o‘zaro aloqadorligi va mushtarakligini ta‘minlash muammolarini yoritishda H.Po‘latov, S.SHermuhamedov, A.Valiyev, E.Yusupov, J.To‘lenov, A.Jalolov, K.Nazarov kabilarning ilmiy-tadqiqotlari diqqatga molikdir.

Bu borada o‘tmish allomalarimizdan Abu Nasr Forobiyning “Ixso al-ulum”, Abu Rayhon Beruniyning “Xindiston”, “Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar”, Abu Ali ibn Sinoning “Donishnoma”, “Kitob un-najot”, “Kitob ishorat va tanbihot”, Yusuf Xos Xojibning “Qutadg‘u bilig”, Kaykovusning “Qobusnoma”, Ahmad Yugnakiyning “Hibat ul-Xaqoyiq”, Alisher Navoiyning “Maxbub ul-qulub”, “Nazm ul-javohir”, “Arbain” va boshqa ko‘plab asarlarida pedagogikaning muammolari tadqiq etilgan. Bu jixatdan, ayniqsa, Imom Ismoil al-Buxoriyning “Al-adab al-mufrad”, “Saxih”, Imom at-Termiziyning “Sunai” kabi asarlaridan yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash vositasi sifatida foydalanish mumkin.

**Muhokama.** Tadqiqotda keltirilgan qoidalar, xulosa va tavsiyalarning o‘rta maktablarning o‘qituvchilari, sinfdan va maktabdan tashqari ishlar tashkilotchilari maktab o‘quvchilarida Vatanga e‘tiqodni tarbiyalashda, shuningdek, barcha yurtimiz farzandlarini Vatanga e‘tiqodli qilib tarbiyalashda foydalanish mumkin.

Tadqiqot materiallaridan litsey, kollej, o‘rta maktablarida o‘qilayotgan nazariy va amaliy mashg‘ulotlarida keng foydalanish mumkin. Shuningdek, tadqiqot natijalaridan ma‘naviyat, ma‘rifat muassasalarida amalga oshiriladigan ta‘lim va tarbiya, targ‘ibot va tashviqot ishlarida foydalanish mumkin.

**Tadqiqot maqsadi:** Jismoniy tarbiya darslari orqali o‘quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, yuksak insoniy fazilatlarni egallash imkoniyatlarini aniqlash va ulardan vatanparvarlik tarbiyasida foydalanish yo‘llari va usullarini ishlab chiqish.

**Tadqiqot predmeti:** Jismoniy tarbiya darslari orqali o‘quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning mazmuni.

**Tadqiqot ob‘ekti:** Jismoniy tarbiya darslari orqali o‘quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash jarayoni.

**Tadqiqot vazifasi:**

- mavzuga oid ilmiy adabiyotlarni o‘rganish va tahlil qilish;

- Jismoniy tarbiya darslari orqali o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash imkoniyatlarini aniqlash;

- o'quvchilar va o'qituvchilar bilan suhbat, anketa, test va boshqa ilmiy-tadqiqot metodlarini qo'llab o'quvchilarda vatanparvarlik hislarini shakllanish va rivojlanish darajasini o'rganish;

- Jismoniy tarbiya darslarida ta'lim-tarbiya jarayonida halq og'zaki ijodidan keng doirada foydalanib, o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning yo'l va usullarini ishlab chiqarish;

- jismoniy tarbiya darslari orqali o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga doir tavsiyalar tayyorlash.

### **Tadqiqotning ilmiy yangiligi:**

- o'quvchilarida Vatanga muhabbat tuyg'usini tarbiyalashning samarali foydalanish yo'llari ishlab chiqildi;

- jismoniy tarbiya darslari orqali o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash imkoniyatlari aniqlandi;

- o'quvchilar va o'qituvchilar bilan suhbat, anketa, test va boshqa ilmiy-tadqiqot metodlarini qo'llab o'quvchilarda vatanparvarlik hislarini shakllanish va rivojlanish darajasi o'rganildi;

- jismoniy tarbiya darslarida ta'lim-tarbiya jarayonida halq og'zaki ijodidan keng doirada foydalanib, o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning yo'l va usullari ishlab chiqildi;

- jismoniy tarbiya darslari orqali o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga doir tavsiyalar tayyorlandi.

Biz tadqiqotlar davomida o'qituvchilarga quyidagi savod bilan murojaat qildik: Siz bolalarga darslik va qo'llanmalardan tashqari ertaklar ham so'zlab berasizmi? Qaysi manbalardan foydalanasiz? Bunga javoban: o'qituvchilarning 80%i sinfdan tashqari o'qish uchun chiqarilgan o'quv qo'llanmasini ko'rsatadilar. 10% i qo'shimcha ertak manbalarini aytdilar. Bu shundan dalolat beradiki, ko'pchilik o'qituvchilar halq og'zaki ijodi namunalaridan yaxshi, unumli foydalanmaydilar va o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda imkoniyatlari cheklangan. Shuning uchun o'quvchilarning ko'pchiliklari ertak haqidagi bilimlari cheklangan. Biz buni yanada aniqroq isbotlash maqsadida boshlang'ich sinf o'quvchilariga berilgan anketalardan namunalar ko'rsatamiz.

O'quvchilarga quyidagi anketa savollari berildi:

1. Ertaklarning boshlanishi qanday boshlanadi?
2. Ertaklardagi qanday yovuz obrazlarni bilasiz?
3. Quyidagi parcha qaysi ertakdan olingan: Xumcha qaynayveribdi, qaynayveribdi, oxiri qaynashdan to'xtabdi.
4. Eng sevimli ertagingiz nomini ayting.
5. Vatan haqida qanday maqollar bilasiz?
6. Quyidagi maqolni davom ettiring: Bulbul chamanni sevar,.....
7. Vatan haqida qanday ertaklar bilasiz?
8. Qaysi ertaklarni ko'proq televizorda multfilm tarzida ko'rgansiz?

**Javoblar quyidagicha bo'ldi** (so'ralganlarga nisbatan % hisobida).

## О‘quvchilarning xalq og‘zaki ijodiga munosabati

Jami so‘ralganda % hisobida

Sinflar	Ertaklardagi obrazlarni bilish darajasi	Ertaklarni bilish darajasi	Vatan haqidagi ertaklarni bilish darajasi	Vatan haqidagi maqollarni bilish darajasi
5-6 – sinf	53,2	48,2	30	60,5
7-8 – sinf	65,4	68,6	70,1	79,2
9 – sinf	97	89	92	95

*Eslatma: javoblar 100 % ni tashkil etmaydi, chunki ertakni bilmagan o‘quvchi ba‘zan maqolni ham bilmasligini aytgan.*

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, 9-sinf o‘quvchilari 5-8-sinf o‘quvchilariga nisbatan ko‘proq biladilar. Sabab, bu yoshda ertakni bilish malakasi rivojlanib, ertaklarni mustaqil o‘rgana boshlaydilar. Bundan shunday xulosa chiqish mumkinki, o‘qituvchilar pastki sinfdan boshlab, o‘qitishga e‘tiborni kuchaytirsalar o‘quvchilarning ertakka qiziqishi yanada ortadi.

Dars samaradorligini oshirishda, o‘qituvchi mahorati katta ahamiyatga ega. Jismoniy tarbiya darslarida ertak va dostonlar orqali o‘quvchilar diqqatini jalb qila olsa, rasmlar orqali ular tasavvo‘rini yuzaga keltirsagina, o‘quvchilarning o‘sha orqali o‘quvchilarni Vatandarparvarlik ruhida tarbiyalashga erishiladi. Maqollar o‘quvchilarni Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalashning muhim xazinasidir.

**Xulosa.** An‘analar, urfu-odatlar insonning dunyoga kelishi yashashi to‘umrining oxiriga yetguniga, hatto tuproqqa qo‘yilgunigacha bo‘lgan jarayon-larni qamrab oladi. Bolaning dunyoga kelishi, qulog‘iga azon aytish, tish chikishi, beshikka solish, yurishi, soch olinishi, sunnat to‘yi, uylanish - nikox to‘yi, payg‘ambar to‘ylari, yuz yoshi, kumush to‘y, oltin to‘y kabi sanab utilgan marosimu odatlarimizning boshqacha qilib aytganda qadriyatlarimiz-miznig qirralari naqadar ko‘pligidan dalolat beradi. Hoh oilada bo‘lsin, Hoh jamiyatda bu kabi marosimlarning nishonlanishi bola tarbiyasiga o‘z ijobiy ta‘sirini o‘tkazadi. Bu qadriyatlar orqali yosh avlod barcha ahloqiy xususiyatlarga ega bo‘ladi, jumladan Vatanga e‘tiqodli, mehnatkash, ona tabiatni asrovchi, ota-onaning qadriga yetadigan, ilmli, saxiy, Vatani uchun jonini fido qiladigan insonlar bo‘lib yetishadi.

O‘zbekiston mustaqilligi kelajak avlod tarbiyasiga katta e‘tibor va mas‘uliyat bilan qarashni talab etadi. Zero jamiyatning taraqqiyoti, uning dunyo hamjamiyati orasida o‘ziga xos o‘rinni egallashida kadrlar salohiyati, ularning tarbiyalanganlik darajasi asosiy ahamiyat kasb etadi. Shu nuqtai nazardan qaraganda tarbiyada vatandarparvarlik va baynalmillikni uzviylikda tashkil etish har qachongidan ham muhim ahamiyatga ega.

### Adabiyotlar:

1. Алькова С.Ю. «Реализация дифференцированного подхода в физическом воспитании на основе субъектного опыта студентов». Москва, Теория и практика физической культуры. 2003 г. 10-12 с.

2. Керимов Ф. А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. Жисмоний тарбия факультети учун дарслик. УзДЖТИ нашриёт матбуот бўлими. Тошкент 2001, 46-48 б.

3. Гаппаров З. Г., Турсунова М. А., Усманова Ш.Ш., Методы, обуславливающие воспитание юных спортсменов. Педагогик таълим. (Илмий назарий ва методик журнал). №5 Тошкент 2003, 25-27 б.

4. Туленова Х. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги. //Педагогик таълим/. (Илмий-назарий ва методик журнал). №5 Тошкент 2003, 90-93 б.

### **Rezyume**

*Ushbu maqolada o'quvchilarni jismoniy tarbiya darslarida vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning pedagogik imkoniyatlari yoritilgan. Maqolada anketa so'rovnomasi o'tkazilgan va jadval ko'rinishida aks ettirilgan. Yetuk mutaffakirlarning fikrlari yoritilgan.*

### **Резюме**

*В данной статье описаны педагогические возможности воспитания учащихся в духе патриотизма на уроках физической культуры. В статье было проведено анкетирование, представленное в виде таблицы. Освещаются мысли зрелых мыслителей.*

### **Resume**

*This article describes the pedagogical possibilities of educating students in the spirit of patriotism in physical education classes. The article includes a questionnaire survey and a table view. The thoughts of mature thinkers are illuminated. Indeed, today the upbringing of the younger generation plays an important role in our society.*

**Kalit so'zlar:** *pedagog, vatanparvarlik, jismoniy tarbiya, anketa so'rovnomasi, test, an'ana, ta'lim, tarbiya.*

**Ключевые слова:** *педагог, патриотизм, физическое воспитание, анкета, тест, традиция, образование, воспитание.*

**Key words:** *pedagogue, patriotism, physical education, questionnaire, test, tradition, education, upbringing.*

UDK. 75.715

## **JISMONIY MADANIYAT O'QITUVCHISINING PEDAGOGIK VAZIFALARI**

**Ataniyozov Bekzod Ilxomovich**

*Urganch davlat universiteti*

**Kirish.** Inson, uning har tomonlama uyg'un kamol topishi va farovonligi, shaxs manfaatlarini ro'yobga chiqarishning sharoitlarini va ta'sirchan mexanizmlarini yaratish, eskirgan tafakkur va ijtimoiy xulq-atvorning andozalarini o'zgartirish respublikada amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi va harakatlantiruvchi kuchidir. Xalqning boy intellektual merosi va umumbashariy qadriyatlar asosida, zamonaviy madaniyat, iqtisodiyot, fan, texnika va texnologiyalarning yutuqlari asosida kadrlar tayyorlashning mukammal tizimini shakllantirish O'zbekiston taraqqiyotining muhim shartidir [1].

Tarbiya jarayonining ko'p qirraliligi va murakkabligi jismoniy tarbiya mutaxassisi zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. Agar sen o'quvchingni mashhur sportchi qilib tayyorlamoqchi bo'lsang, o'zing ham o'z ishingning ustasi bo'lishing

kerak. Unda mehnatsevarlik va g'alabaga intilishni tarbiyalashga harakat qilsang mehnatni qanday sevish kerakligini, oldiga qo'ygan maqsadga erishishda uchragan qiyinchiliklarni qanday bartaraf etish zarurligini amalda ko'rsat, uni vijdonli, rostgo'y, o'z so'zida qat'iy turadigan, kamtar bo'lishga chaqirsang – o'zing ham bu borada nuqsonsiz bo'l, o'quvchilarning estetik didlarini o'stirmoqchi bo'lsang – avvalo o'zing intellektual va madaniyatli bo'l. Demak tarbiyachining o'zi ham tarbiyalangan bo'lishi kerak.

Jismoniy tarbiya mutaxassisining pedagogik mahorati, fundamental va maxsus yo'nalishdagi o'quv dasturining asoslarini, jismoniy tarbiya va sport sohasidagi dastur va ko'rsatmalarni bilishi, ommaviy sport darajasida sport ishlarini tashkil qila olishi, sport zahiralarni, yuqori malakali sportchilarni tayyorlay olishida ko'rinadi [3].

Jismoniy tarbiya mutaxassisi shug'ullanuvchilarning harakat tajribalarini shakllantirish va jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish bilan birga ularning ma'naviy qiyofasini ham tarbiyalaydi, ularga hayot yo'lini tanlab olishga va insoniylik burchini bajarishga yordam beradi.

Pedagogik mahorat, tarbiya jarayoni kabi ko'p qirralidir. Jismoniy tarbiya mutaxassisida pedagogik mahorat shug'ullanuvchilarni malakali o'qitish va ularning jismoniy qobiliyatlarini takomillashtirishda, ma'naviy qarashlarini va harakat faoliyatida mustaqil fikr yurita bilishni rivojlantirishda, sport jamoasi tashkil etish va uni ahil qilib birlashtirishda, shug'ullanuvchilarning individual xususiyatlari, xatti-harakat qiziqishlarini ustalik bilan tushunib olishda, qiziqishlari talablari, ehtiyoj va intilishlarini mohirlik bilan yo'lga qo'ya bilishda namoyon bo'ladi.

Jismoniy tarbiya mutaxassisi o'z ishini yaxshi bilishni va sevishi, jismoniy jihatdan tayyorlangan, sog'lom, sport mahorati yuqori bo'lishi kerak. O'qituvchining malakasi hamda jismoniy tarbiya sohasidagi maxsus bilimlari qanchalik keng bo'lsa, tarbiya vazifalarini hal qilishdagi imkoniyatlari ham shunchalik ko'p bo'ladi. Har bir pedagog o'z fani bilan tarbiyalay olishi shart.

**Ishning asosiy mazmuni.** Jismoniy tarbiya fanining o'ziga xos xususiyatiga ko'ra tarbiya jarayonida o'qituvchining tashqi qiyofasi alohida ahamiyatga ega. O'qituvchi tarbiyalanuvchilarning jismoniy kamolotga erishishlariga harakat qilar ekan, o'zining gavda tuzilishi garmonik holda rivojlangan, harakatlari nozik, oddiy va ifodali, qaddi-qomati kelishgan, qadam tashlashi engil va erkin bo'lishi kerak.

Jismoniy tarbiya mutaxassisi jismoniy kamolotga erishgan bo'lishidan tashqari, umuman madaniyatli bo'lishi ham kerak. Estetik tarbiyalangan va ma'naviy yuksak ma'lumotli mutaxassisgina jismoniy tarbiya jarayonida shug'ullanuvchilarning estetik didini aqlining teranligini, ijodiy faolligini rivojlantirishi mumkin. Bunda mehdirdaryo bo'lish bilan birga, quvnoq va xushmuomalali bo'lish va pedagogik odobga ega bo'lish ayniqsa muhimdir.

Nutq madaniyatiga alohida e'tibor berish kerak. O'qituvchi nutqining ta'siri uning mantiqiy izchilligiga, badiiy jihatdan savodli, aniq, ravshan, obrazli qilib ifodalangan bo'lishiga bog'liq. Shuning uchun nutqdan foydalana bilish, ovozni yaxshi yo'lga qo'yish, intonatsiyaning boyligisiz pedagogik mahoratga erishib

bo'lmaydi. O'qituvchining emotsional ifodali, shaxsiy e'tiqodlari bilan boyitilgan so'zining ta'sir va tarbiyaviy kuchi nihoyatda kattadir.

Tarbiyachining shaxsiy fazilatlari, ya'ni mehnatsevarligi, samimiyligi, saxiyliigi, beg'arazligi, rostgo'yliigi, printsipliigi va boshqa shu kabi fazilatlari ham shug'ullanuvchilar ma'naviy qiyofasining tarkib topishiga katta ta'sir ko'rsatadi. Kichkinagii xato, arziimas bir odat, masalan, sigaret chekish, nojo'ya xatti-harakat so'z aytish shug'ullanuvchilar ongida tuzatib bo'lmaydigan iz qoldirishi mumkin. Chunki ular ko'pincha o'z tarbiyachilarining gaplariga emas, balki uning xatti-harakatlaridan ko'rgan narsalariga amal qiladilar.

Shu sababli, tarbiya vazifalarini muvaffaqiyatli hal qilish uchun, jismoniy tarbiya o'qituvchisining o'zi avvalo zamonaviy ta'lim talablariga muvofiq holda axloqiy va estetik tarbiyalangan bo'lishi kerak.

Biz xalqimizning dunyoda hech kimdan kam bo'lmasligi, farzandlarimizning bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo'lib yashashi uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etayotgan ekanmiz, bu borada ma'naviy tarbiya masalasi, hech shubhasiz, beqiyos ahamiyat kasb etadi. Agar biz bu masalada hushyorlik va sezgirligimizni, qat'iyat va mas'uliyatimizni yo'qotsak, bu o'ta muhim ishni o'z holiga, o'zibo'larchilikka tashlab qo'yadigan bo'lsak, muqaddas qadriyatlarimizga yo'g'rilgan va ulardan oziqlangan ma'naviyatimizdan, tarixiy xotiramizdan ayrilib, oxir-oqibatda o'zimiz intilgan umumbashariy taraqqiyot yo'lidan chetga chiqib qolishimiz mumkin [2].

Murabbiyning tarbiya jarayonini boshqarish malakasi yuqori saviyada bo'lishi lozim. Tarbiya murakkab, ko'p qirrali jarayon bo'lib, buni egallab olmoq uchun, jismoniy tarbiya mutaxassisi o'z xatti-harakatlarida avvalo o'z vatanimizdagi milliy an'analarga yo'g'rilgan tarbiya sohasida orttirilgan ilg'or tajribalar asosida hosil qilingan printsiplarga amal qilishi kerak. Bu printsiplar quyidagilarni bajarish vazifasini yuklaydi:

- ta'lim-tarbiya jarayonining ta'lim standartlari talablari darajasida bo'lishini ta'minlash;
- shug'ullanuvchilarning yosh (fiziologik va psixik) xususiyatlarini har tomonlama bilish asosida ularning har biriga individual yondashish;
- shug'ullanuvchilar oldiga yuksak talablar qo'yish va ularni hurmat qilish;
- tarbiya jarayonini “major” uslubda, ya'ni jonli, faol, zavqshavq baxsh etadigan, diqqatni tortadigan shaklda o'tkazish;
- pedagogik talablar bilan tarbiyaviy ta'sir birligini ta'minlash;
- yangi pedagogik va axborot texnologiyalari asosida dars va mashg'ulotlarni tashkil qila olish.

Harakat malakalariga o'rgatish jarayonini ham shug'ullanuvchilarning ma'naviy xislatlarini tarkib toptirish singari doimo hayot bilan, jamiyat ehtiyojlari bilan, bo'lajak mehnat faoliyati bilan bog'lab olib borish kerak. Bu jarayon shug'ullanuvchilarni shu yurt uchun kurashda faol ishtirok etishga ruhlantirishi lozim [4,5].

O'quvchini ma'naviyatli qilib tarbiyalash uchun, uning qanday yashayotganini, nima haqida o'ylashini, kimlar bilan do'st ekanini, ishlab chiqarishda



qanday ishlashini, o'quv yurtida qanday o'qishini, oilada, jamoat joylarida o'zini qanday tutishini, bo'sh vaqtini qanday o'tkazishini va boshqalarni bilish kerak.

Jismoniy tarbiya mutaxassisi shug'ullanuvchilarning salomatligini, jismoniy qobiliyatlarining rivojlanganlik darajasini bilishi, shuningdek ularning xarakter xususiyatlarini, aql-idroklari, hissiyotlari, irodalari, axloqiy fazilatlarini va estetik ehtiyojlaridagi individual farqlarni o'rganishi zarur. Trener o'quvchilarni o'rganar ekan, pedagogik kuzatishlar kundaligi tutishi shart bo'lib, unga shug'ullanuvchilarning xarakter xislatlari va xulq-atvoridan dalolat beruvchi ayrim faktlarni yozib borishi kerak. Shug'ullanuvchilarni har tomonlama bilish asosidagina ularning har biri qalbiga "sehrli kalit" topish mumkin.

O'quvchilar bilan yaxshi munosabatlar o'rnatish juda muhimdir. Pedagogik tajribalar chinakam yaxshi munosabatlar shug'ullanuvchilarga yuksak talablar qo'yish va ular shaxsini chuqur hurmat qilish asosida yuzaga kelishidan dalolat beradi. Talab qilish va hurmatlash tarbiya jarayonining bir-biridan ajratib bo'lmaydigan ikki tomonidir.

Shunga qaramay, jismoniy tarbiya amaliyotida o'qituvchilarning sportchilarga yuksak talablar qo'ygani holda ularni hurmat qilmaslik hollari uchraydi. Tarbiyaga bunday yondashish, odatda, trenerning muomalaning to'g'ri olib bormaganligida bo'ladi.

Natijada shug'ullanuvchilar indamas bo'lib qoladilar, g'azablanadilar va qo'pollik qiladilar. Buning ustiga sport mashg'ulotlariga qiziqmay qo'yadilar. Talabchan bo'lish bilan birga, shug'ullanuvchilarga nisbatan g'amxo'r va mehribon, jonkuyar va samimiy munosabatda bo'lish kerak. Oq ko'ngillik, muloyim ovoz bilan gapirish, o'quvchilar bilan to'g'ri munosabatlar o'rnatish bilish pedagogik odobini belgilab beradi. Trenerning musobaqa vaqtidagi harakati ayniqsa yaxshi bo'lishi kerak. Shubhasiz, sportchi musobaqalarda mustaqil harakat qilishga yaxshi tayyorlangan bo'lishi zarur.

Lekin ayrim hollarda u psixologik yordamga muhtoj bo'ladi. Sportchining ortiqcha hayajonlanishini yo'qotishi, start oldidan unga foydali maslahat berishi, mag'lubiyatga uchragan taqdirda dalda berishi va uni tushkun kayfiyatdan chiqarishi lozim. O'quvchilari musobaqada muvaf-faqiyatsiz qatnashganida ta'na qilishdan o'zlarini tiya olmaydigan trenerlardan farq qilib, yaxshi tarbiyachi ruhiy osoyishtalikni tiklab olishga, engilishga olib kelgan sabablarni aniqlashga, o'z kuchiga bo'lgan ishonchini yo'qotmaslikka yordam beradi. Ishga bunday yondashilganda trenerning obro'yi doimo ortib boradi.

Pedagogik odob o'quvchidagi yaxshi xususiyatlarni ko'rishga, bu xususiyatlarga tayanib, yana ham yaxshi xususiyatlarni mo'ljallashga imkon beradi. Trenerning do'stona, lekin betakalluf muomalasi sportchilarda o'z-o'zini tarbiya-lashga ishtiyoq uyg'otishga sabab bo'ladi. Bir vaqtning o'zida qattiqqo'l va rahmdil, talabchan va mehribon, jiddiy va odamiy bo'lishga imkon beradigan o'rtamiyona yo'l topa bilish nihoyatda muhimdir.

Sport amaliyotining ko'rsatishicha (ayniqsa, sport o'yinlarida) ba'zi trenerlar tarbiyaning bu printsiplarini buzadilar, peshqadam sportchilarning norozi bo'lishlaridan qo'rqib, ularning xohishi bilan ish qiladilar. Bu esa talantli

sportchilarning tarbiyalanishiga katta zarar keltiradi, trenerning sportchilar oldidagi obro‘yi tushib ketadi. Trenerning haqiqiy obro‘yi sportchilarga nisbatan yuksak talabchan bo‘lish va o‘z talabalarining sport jamoasida tutgan o‘rni hamda rolga qaramasdan, ularning xatti-harakati, xulq-atvoridagi kamchiliklarga kurashishga asoslanadi.

Tarbiyaning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan shug‘ullanuvchilar faoliyati qay tarzda (o‘quv mashg‘ulotlari, trenirovka, musobaqa va boshqalar) o‘tishiga bog‘liq. Jismoniy tarbiyaning o‘ziga xos xususiyati jamoada hayotbaxsh olg‘a intilish, quvnoqlik va ko‘tarinkilik kayfiyati, bitmas-tuganmas g‘ayrat keltiradigan sharoit qaror topishiga imkon beradi. Dunyoni quvnoq his etish, kuch-g‘ayrat, birdamlik, umumiy ish muvaffaqiyatiga ishonchni mustahkamlash bilan birga, jamoa har bir a‘zosining o‘z kuchiga bo‘lgan ishonchini ham mustahkamlaydi.

**Xulosa.** Yuqorida qayd qilinganidek, ma‘naviy tarbiya asosida sportchi shaxsining tarkib topishida jamoaning roli behad katta. Jumladan, yaxshi shakllangan jismoniy tarbiya jamoasi va trenerlar bo‘lsa shug‘ullanuvchilarni ma‘naviyatli va ma‘rifatli qilib tarbiyalashga faol ta‘sir ko‘rsatadi, shaxsiy ehtiyojlarini jamiyat ehtiyojlar bilan birga qo‘shib olib borishga zamin yaratadi.

Shug‘ullanuvchilarga tarbiyaviy ta‘sir ko‘rsatish yagona pedagogik yo‘l asosida olib borilishi kerak. Pedagogik talab va tarbiyaviy ta‘sir ko‘rsatishdagi har xillik yaxshi natija bermaydi.

Jismoniy tarbiya jarayonida shug‘ullanuvchining ayrim tomonlari va fazilatlarigina tarkib topib qolmay, balki uning jismoniy va ma‘naviy birlikdagi shaxsi tarkib topadi. Shu sababli trener tarbiya jarayonini muvaffaqiyatli boshqarish uchun, shug‘ullanuvchilar qiyofasini jismoniy tarbiya jarayonida tarkib toptirishni nazarda tutuvchi, maqsadga qaratilgan, ta‘lim-tarbiyaviy ta‘sir ko‘rsatishga yordam beradigan barcha metodlarni egallagan bo‘lishi kerak. Inson qismlarga bo‘linib tarbiyalanmaydi, u sintetik ravishda, unga ko‘rsatilgan barcha ta‘sirlar yig‘indisi natijasida tarbiyalanadi.

#### **Adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasining 2020 yil 23 sentyabrdagi “Ta‘lim to‘g‘risida”gi O‘RQ-637-son Qonuni.
2. I.A.Karimov. yuksak ma‘navit – engilmas kuch. T. Ma‘naviyat. 2008 y.
3. Masharipov F.T. Voleybol mashg‘ulotlarini olib borish va boshqarishning pedagogik asoslari. O‘quv-uslubiy qo‘llanma. Urganch 2012 y. – 10 b.
4. Salomov R.S. Sport mashg‘ulotning nazariy asoslari. T. O‘zDJTI. 2005 y. – 238 b.
5. Abdullaev A., Xonkeldiev Sh. Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi Toshkent., O‘z DJTI, 2005 y. – 300 b.

#### **Резюме**

*Мақолада жисмоний тарбия мутахассиси ва юқори малакали спортчиларни тайёрлаш жараёнида унинг мулоқот маданиятига қўйиладиган педагогик талаблар масалалари ёритилган.*

#### **Резюме**

*В статье освещаются вопросы педагогических требований к специалисту в физическому воспитанию и его культуры общения в процессе занятий и подготовки высококвалификационных спортсменов.*

**Resume**

*This article deals with the problems of the developing of the culture of greeting and preparing higher qualified sportsmen and the demands to the specialist of physical education.*

**Калим сўзлар:** *жисмоний тарбия, спорт этикаси, ахлоқий тарбия, ахлоқий фазилатлар, спортчи, мураббий, маиғулот жараёни.*

**Ключевые слова:** *физическое воспитание, спортивная этика, нравственное воспитание, нравственные качества, спортсмены, тренер, тренировочный процесс.*

**Key words:** *physical education specialist, pedagogical demands, process of training, trainers, culture of greeting, controlling education process features.*

**UDK. 61. 796.07**

**ZAMANAGÓY SPORT MEDICINASÍNÍN JOQARÍ TÁJÍRÍYBELÍ  
SPORTSHILARDÍ TAYARLAWDA MEDICINALÍQ HÁM  
BIOLOGIYALÍQ ÁHMIYETI**

**A.Q.Utebergenov – b.i.k., docent, P.J. Mamutov**

*Ájiniyaz atındağı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti*

Respublikamızda sońğı jıllarda dene tárbiyası hám sporttıń ǵalabalıǵına erisiw, jergilikli xalıq arasında salamat turmıs tárizin qalıplestiriw, imkaniyatları sheklengen shaxslardıń dene tárbiyası rehabilitaciyası ushın zárúr shárt-sharayatlar jaratıw hám mámleketiń xalıq-aralıq sport arenalarında múnásip qatnasıwların támiyinlew boyınsha strategiyalıq is-ilajlar ámelge asırılmaqta.

Sonıń menen bir qatarda, dene tárbiyası hám sport tarawında xalıqtıń salamatlıǵın bekkemlewge qaratılǵan anıq dástúrlerdı ámeliyatqa engiziw, jaslardı sportqa keńnen qamtıp alıw hám olar arasınan talantlı sportshılardı tańlap alıw, sport túrleri boyınsha joqarı nátiyjelerdi támiyinlewshi tájiriyebe sportshılar menen milliy saylandı komandalardı shólkemlestiriw hám teriner-oqıtıwshılar ushın qosımsha shárt-sharayatlar jaratıw búgingi kúnniń tiykarǵı mashqalalı talabına aylanbaqta.

Mámleketimizde joqarı mádeniyatqa hár tárepleme jetik salamat insandı qalıplestiriw maqsetinde, jergilikli xalıqtıń dene tárbiya hám sport tarawında tájiriyebe hám bilimlerin arttırıwǵa qartilǵan zárúr is-ilajlardı belgilew, talantlı sportshılardı tańlap alıw (selektsiya) processine innovatsiyalıq usıllardı kiritiw maqsetinde dene tárbiya hám sport sistemasın reformalastırıwdıń 2025-jılǵa shekemgi tiykarǵı baǵdarları, sonıń menen birge; dene tárbiya hám sport penen turaqlı shuǵıllanıwshi xalıq sanın 30 payızǵa, sport shólkemleri hám oqıw orınlarında shuǵıllanıwshi jaslardıń ulıwma sanın 20 payızǵa asırıw, mámleketlik sport tálim oqıw orınlarında trener-oqıtıwshılar hám jetekshi qánigelerdiń sıpat quramın, tiykarınan joqarı maǵlıwmatlı qánigeler sanın basqıshpa-basqısh 80 payızǵa jetkeriw, jaslar arasınan talantlı sportshılardı tańlap alıw (selektsiya)dıń nátiyjeli tórt basqıshlı; shólkem-rayon (qala)-aymaq-respublika sistemasın islep shıǵıw hám ámelge asırıw rejlestirilgen.

Sonday-aq, Ózbekstan Respublikası bilimlendiriw oqıw orınlarına qabileti boyınsha mámleketlik komissiyası Dene tárbiya hám sport ministrligi hám

Densawlıqtı saqlaw ministrliğiniń usınısları tiykarında 2021-2022-oqıw jılınan baslap Tashkent medicina akademiyası, Tashkent farmaceutika institutı hám basqa joqarı oqıw orınlarında sport medicinası, farmakologiyası, rehabilitologiyası, psixologiyası hám dietologiyası, Tashkent medicina akademiyası, Andijan, Buxarahám Samarqand medicinainstitutları magistraturasında «Dietologiya» hám «Nutritsiologiya (awqatlanıwılimi)» qánigelikleriboyınsha kadrlar tayarlaw jolğa qoyıladı.

Elimiz gárezsizlikke eriskennen berli trener-oqıtıwshılardıń sport medicinası boyınsha bilimleriniń sayızlıǵı jıldan-jılğa sezilip kelinmekte. Biraq, sport medicinasınıń sport tarawında házirde qalıpleskenligi sebepli óz áhmiyetin joǵaltıpaydı.

Házirgi waqıtta sport shıpakerleri aldına qoyılatuǵın wazıypalardıń biri trener-oqıtıwshılardıń mentaliteti emes, bálkim jergilikli sport medicinası tarawınıń bir-neshshe on jıllar dawamında óz maqsetine erise almawı bolıp tabılmaqta. [5].

Bundaǵı baslı mashqalalardıń biri sport medicinası dáslep galaba sport talaplarına juwap bermeytuǵın sport travmatologiyası hám shıpakerlik baqlaw tarawları arqalı basqarılıp kelgen.

XX ásirdeń 70-jıllarında payda bolǵan sport medicinası 80-jıllardıń aralıǵında itibarsız qaldı. Bunıń aqıbetinde sportta uzaq waqıt tán alınbaǵan “ólim” sebepleri “Emlew dene tárbiyası hám sport medicinası” qánigelikleriniń mazmunı hám sport talapları arasındǵı muwapıqsızlıǵı edi.

Ulıwma alǵanda, “Emlew dene tárbiyası” – medicinanıń klinikalıq bólimi bolıp, sonıń menen birge dene mádeniyatınıń bir bólimi sıpatında keselliklerdi emlew hám olardıń aldın alıw, kesel adamnıń salamatlıǵı hám miynet iskerligin tiklew onıń baslı maqseti bolıp esaplanadı.

Sonlıqtan “Emlew dene tárbiyası” – bul sport penen tikkeley baylanıslı emes óz aldına medicina qánigeligi bolıp, haqıyqıy sport medicinasında sportshılar ushın tek ǵana medicinalıq rehabilitatsiya xızmetin ótewi múmkin.

Tariyxtan misal keltiretuǵın bolsaq, hátteki Rim shıpakeri Klavdiy Galen (b.e.sh. 129-201), búgingi kúnde sport shıpakeri dep tán alınbaydı, ol gladiatorlardıń salamatlıǵın tiklew hám emlew jumısları menen birge salamatlastırıwshı dene tárbiyası hám sport shınıǵıwları arasındǵı ayırmashılıqlardı dáliyllep bergen.

Egerde dene tárbiyasınıń tiykarǵı maqseti hár dayım salamat, nawqıran shaxstı tárbiyalaw bolıp kelgen bolsa, al sportta salamatlıq tek ǵana eń joqarı nátiyjelerge erisiw sıpatında qaralıp kelingen.

Búgingi kúnde mámleketimizde sportshılardıń salamatlıǵın baqlap barıwda arawlı medicinalıq xızmet túrin jaratıw talap etilmeydi, sebebi poliklinika sistemaları bunı mámleketten qosımsha qárejetlersiz ámelge asırıp kelmekte. Al, sport tarawı medicinadan ayrıqsha xızmetti, atap aytqanda sport medicinası xızmetin talap etedi.

Búgingi kúnde sportshılardı tayarlawda hám olardı medicina-biologiyalıq jaqtan támiyinlewshi jeke qánigelestirilgen (jas-óspirimlerden tartıp joqarı

kfalifikatsiyalı sportshılardı qamtıp alıwshı) medicinalıq xızmet túrin jaratıw zárúrlıgı kelip shıqpaqta.

Biraq bunday xızmet túrin jaratıw ushın birinshi gezekte tájiriybeli kadrlardıń joqlıgı, atap aytqanda sport shıpakerleriniń joqlıgı bolıp tabıladı. Búgingi kúnde elimizde yaki shet ellerde sport talabın qandıratuğın, sport medicina qánigelerin tayarlawshı birde-bir oqıw orınları joq.

Sport shıpakeri qánigelerine qanday talaplar qoyıladı? Hár qanday shıpakerdiń bilimi arnawlı pánlerge; anatomiya, fiziologiya, bioximiya hám basqalarğa tiykarlanadı, olarsız shıpaker sıpatında hesh qanday jetiskenliklerge erisealmaydı.

Biraq sport shıpakeri joqarıda atap ótilgen pánlerdi insannıń sport iskerliginiń ózine tán qásiyetlerinen kelip shıqqan halda úyreniwleri tiyis. Demek, sport shıpakeri sport morfologiyasın jaqsı biliwleri kerek. Házirde medicina institutlarınıń normal anatomiya kursı dástúri sport morfologiyasın ústirtin úyreniwdi de támiyinlemeydi. Búgingi kúnde medicina hám sport universitetlerinde oqıtılatuğın arnawlı fiziologiya kurslarınan tısqarı sport shıpakeri sistemalı fiziologiya boyınsha tereń bilimge mútáj.

Tikkeley sport medicinası tarawında búgingi kúnde birlesken mámleketler shólkemi hám gárezsiz mámleketimiz ilim gáyratkerleriniń teoriyalıq hám ámeliy miynetleri nátiyjesinde [1,2,3,4,24] kelesheke úlken qádem qoyıldı, bunıń ayqın misalı, respublikamızda dene tárbiya hám sport tarawında xalıq aralıq standartlarğa muwapıq kompleksli bilimlerde iye tájiriybeli kadrlar tayarlaw sıpatın jaqsılaw, sport tálim-pándi jedel rawajlandırıw, joqarı tájiriybeli bákilesiwge qábilietli trener-oqıtıwshılar, qánigeler hám ilimiy xızmetkerlerdi tayarlaw processin jánede jetilistiriw maqsetinde, Dene tárbiya hám sportministrliги, Ózbekstan ilimler akademiyası hám Ózbekstan Milliy olimpiya komiteti usınıslarına tiykarlanıp Ózbekstan mámleketlik dene tárbiya hám sport universitetiniń Nókis hám Fergana filialın ashıw, sportshılardıń texnikalıq, taktikalıq, psixofiziologiyalıq jağdayın úyreniw hám analiz qılıw boyınsha arnawlı ilimiy laboratoriyası negizinde Ózbekstan dene tárbiya hám sport universiteti janındağı Dene tárbiya hám sport ilimiy izleniw institutın shólkemlestiriw haqqındağı Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2020-jıl 3-noyabrdegi «Dene tárbiya hám sport tarawında kadrlar tayarlaw sistemasın rawajlandırıw hám ilimiy dárejeligin asırıw is-ilajları haqqında»ğı PQ-4877-sanlı qararınıń tastıyıqlanıwı misal bola aladı.

Usı joqarıda atap ótilgen mashqalardıń birden-bir sheshimi respublikamızda Ózbekstan Respublikası turizm hám sport ministrliги hám Ózbekstan Milliy olimpiya komitetine qaralı sporttı medicinalıq-biologiyalıq qollap-quwatlawshı qánigelerdi tayarlawshı oqıw ornın shólkemlestiriw maqsetke muwapıq bolıp tabıladı.

Bunday oqıw orınların jaratıwda tiykarğı shınığıwlar sonnan ibarat bolıp, birinshi gezekte házirgi kúnde derlik iske túsirilmegen sport medicinası tarawın jolğa qoyıw zárúr, yağniy úmitsiz artta qalıp baratırğan dene tárbiyası hám sport teoriyası, sport fiziologiyası, sport psixologiyası hám basqa da pánler boyınsha pedagog kadrlar tayarlawdı jolğa qoyıw zárúr. Atap aytqanda, búgingi kúnde bul

wazıypanı tek ğana medicina oqıw orınları bilimleri sheńberinde óz sheshimine erise almaydı. Sonlıqtan, sporttı medicina-biologiyalıq jaqtan támiyinlew boyınsha jetekshi qánigelardi tayarlaw hám jetilistiriw arqalı belgilengen maqsetke erisiwimiz múmkin.

### Ádebiyatlar:

1. 2. Anoxin, P.K. Uslovie voprosov teorii i funkcionalnoy sistemı / P.K. Anoxin. – M. : Nauka, 1980. – 197 s.
2. 3. Bleer, A.N., Professionalny vzglyad trenera na celi, zadachi i problemı sovremennoy sportivnoy medicini / A.N. Bleer, N.A. Chistova, T.N. Kuznecova, S.E. Pavlov // Teoriya i praktika fizicheskoy kulturi. – 2001. – № 12. – S. 28-32.
3. 4. Verxoshanskiy, V.Yu. Gorizonti nauchnoy teorii i metodologi i sportivnoy trenirovki / V.Yu. Verxoshanskiy // Teoriya i praktika fizicheskoy kulturi. – 1998. – № 7. – S. 41-54.
4. 5. Volkov, N.I. Zakonomernosti bioximicheskoy adaptacii v processe sportivnoy trenirovki: uchebnoe posobie dlya slushateley Visshey shkoli trenerov GCOLIFKa / N.I. Volkov. – M., 1986. – 63 s.
5. 24. SuslovF.P., FilinV.P. Deystvitelny ili mnimiy krizis sovremennoy teorii i sporta // «Teor. i prakt. Fiz. kult.». – 1998. - № 6. – S. 50-53.
6. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 04.11.2020-y., 07/20/4877/1451-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 15.01.2022-y., 06/22/52/0029-son.
7. Kutlimurotovich, U. A. (2020). GENERAL PHYSIOLOGICAL PRINCIPLES OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(9), 2366-2371.
8. Utepbergenov, A., & Kutlimuratov, M. (2016). FIZIOLOGICHESKIE OSNOVÍ NEKOTORÍX KARAKALPAKSKIX NARODNÍX IGR. Aprobaciya, (3), 88-90.

### Rezyume

*Maqalada sport medicinası predmeti hám ámeliyatınıń sport talaplarına juwap beretuĝin rásmiy, tolıq huqıqlı erkin taraw sıpatında jolǵa qoyılmaǵanlıǵı, olardıń tiykarǵı sebepleri kórip shıǵıladı hám analiz qılınadı. Sport medicinasınıń maqseti, wazıypaları hám tiykarǵı túrleri kórsetip ótilgen.*

### Резюме

*В статье проанализированы и названы основные причины, из-за которых спортивная медицина так и не стала официальным полноценным самостоятельным направлением науки и практики, соответствующим требованиям спорта. Определены ее цели, задачи и основные составляющие.*

### Summary

*The article analyzes and names the main reasons why sports medicine has not become an official full-fledged independent area of science and practice that meets the requirements of sports. Its goals, objectives and main components are defined. A way of creating a modern service for medical and biological support for the training of qualified sportsmen is proposed.*

**Tayanch so'zlar:** Tayanch so'zlar: sport, sport meditsinasi, sport meditsinasi bólimleri, sport shıpakeri, sport shıpakerlerin tayarlaw.

**Ключевые слова:** спорт, спортивная медицина, состав нычести спортивной медицине спортивный врач, подготовка спортивных врачей.

**Key words:** sports, sport medicine, component parts of sport medicine, sport doctor, training of sport doctors.

UDK. 330.101.

## TALABALARNING JISMONIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISHDA TABAQALASHTIRILGAN METODDAN FOYDALANISH

**Bekchanov Ma'mur Toxir o'g'li**

*Urganch davlat universiteti o'qituvchisi*

**Kirish.** O'zbekiston Respublikasining "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi Qonuni, "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori va shu sohaga oid barcha kontseptual xujjatlarni qabul qilinishi, ularni bosqichma-bosqich hayotga tatbiq etilayotganligi mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sport davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylanib borayotgan-ligidan dalolatdir [1].

Har qanday mamlakatning ertangi kuni va kelajak taraqqiyoti birinchi galda o'z xalqining va yoshlarining jismoniy, ma'naviy hamda intellektual salohiyati bilan o'lchanadi. Demak, jismoniy tarbiya va sport nafaqat iqtidorli sportchilarni tayyorlash, balki sog'lom genofond va barkamol avlodni tarbiyalashda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Eng muhimi, sport sog'lom turmush tarzining asoslaridan biri sifatida yoshlarning o'z imkoniyati va salohiyatini, iqtidorini har xil bo'lmag'ur ishlarga emas, balki el-yurti obro'yini oshirishga, o'z jismoniy va ma'naviy kamolotini yuksaltirish yo'lida sarflashga o'rgatadi [2].

Jismoniy tarbiya va sport madaniyatning insonni jismoniy tarbiyalash, jismoniy rivojlanish va jismoniy tayyorgarlik orqali jismoniy hamda intellektual jihatdan kamol toptirish, uning qobiliyatini va harakat faolligini takomillashtirish, sog'lom turmush tarzi ko'nikmalarini shakllantirish, ijtimoiy moslashtirish maqsadida jamiyat tomonidan yaratiladigan hamda foydalaniladigan qadriyatlar, normalar va bilimlar yig'indisidan iborat tushuncha hisoblanadi [3].

O'zbekiston Respublikasining "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi Qonunda, ta'lim tizimida jismoniy tarbiya va sportni tashkil etish yo'llari quyidagicha ko'rsatib berilgan:

- asosiy ta'lim dasturlari doirasida davlat ta'lim standartlari bilan belgilangan hajmlarda jismoniy tarbiya va sport bo'yicha majburiy mashg'ulotlarni, shuningdek qo'shimcha ta'lim dasturlari doirasida qo'shimcha (fakultativ) jismoniy mashqlar va sport mashg'ulotlarini o'tkazish;

- ta'lim oluvchilarni jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlariga jalb etish uchun shart-sharoitlar yaratish, shu jumladan yoshlarning jismoniy tarbiya-sport tayyorgarligi bo'yicha tadbirlar majmuini o'tkazish uchun sport jihozlari va anjomlari bilan ta'minlash;

- ta'lim oluvchilarda individual qobiliyatlari va sog'lig'i holatini hisobga olgan holda jismoniy tarbiya va sport ko'nikmalarini shakllantirish;

- o'quv mashg'ulotlari paytida jismoniy tarbiya tadbirlarini amalga oshirish;

- ta'lim oluvchilarning jismoniy tarbiyasi tashkil etilishi ustidan tibbiy nazorat olib borish;

- ota-onalarda yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslarda bolalarining sog'lig'i va ularning jismoniy tarbiyasiga nisbatan mas'uliyatli munosabatni shakllantirish;
- bolalar va yoshlarning jismoniy tayyorgarligini hamda jismoniy rivojlanishini har yili monitoring qilish;

- ta'lim oluvchilar ishtirokida sport tadbirlarini, shu jumladan xalq ta'limi tizimining ta'lim muassasalari o'quvchilari (Umid nihollari), o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'quvchilari (Barkamol avlod) hamda oliy ta'lim muassasalari talabalari (Universiada) ishtirokida uch bosqichli sport musobaqalari tashkil etilishi va o'tkazilishiga ko'maklashish kabi vazifalar belgilab berilgan.

Talaba yoshlarning ta'lim olish jarayonida jismoniy tarbiya – ham o'quv fani, ham butun bir pedagogik jarayon sifatida muhim ahamiyat kasb etadi. Biroq hozirgi kunda ta'lim muassasalari talabalarini jismoniy tarbiyalash, sog'lomlashtirish va sportda yuqori natijalarga erishish uchun eski qotib qolgan tashkiliy-uslubiy dasturlar asosida ta'lim berish ushbu masalaning to'laqonli hal etilishini ta'minlamaydi [4].

Ushbu muammolarni hal etish yo'llaridan biri, jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarida har bir talabaning shaxsiy qiziqishlari va ehtiyojlarini maksimal darajada qondirishga, ularning jismoniy rivojlanish va tayyorgarlik darajasini to'liq hisobga olgan holda tashkil etilganda ijobiy natijalarga erishish mumkin. Buning uchun oliy ta'lim muassasalarida sport mashg'ulotlarini tashkil qilishda mashg'ulotlar maqsadi, vazifalari, vositalari, shakllari hamda mashg'ulot olib borish texnologiyalarini ishlab chiqish zarur [5].

Bu talabalarining jismoniy imkoniyatlarini rivojlantirish jarayonini optimallashtirishga imkon yaratadi, ularning samarali kasb-amaliy tayyorgarligini ta'minlaydi [6].

**Tadqiqot natijalari va muxokama.** Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotining metodik masalalarini hal qilishda fanning vazifasi oshdi yuqori malakali sportchilarni tayyorlab etkazish, sportchi organizmidagi hayotni ta'minlovchi funktsional uslublarga to'laqonli ta'sir ko'rsatish va bunday uslublarni o'ta yuksak faoliyat darajasiga ko'tarish bilan bevosita bog'liqdir. Endilikda sportchini zamonaviy usulda tayyorlab etkazishning o'ta murakkab muammolarni ilmiy-metodik ma'lumotlarsiz hal qilib bo'lmaydi.

Yuqorida aytib o'tilgan muammolar o'rganib chiqilganda, hozirga qadar oliy o'quv yurti jismoniy tarbiya va sport nazariyasi va amaliyoti muammolariga bag'ishlangan bir qator ilmiy tadqiqotlar bajarilgan bo'lib, talaba yoshlar jismoniy tarbiya jarayonini tashkil qilishda tabaqalashtirilgan yondashuvdan foydalanishning ilmiy-nazariy va amaliy asoslari hamda uslublari bayon qilingan. Biroq o'rganilgan manbalarda talabalarining xohish-istaklarini hisobga olgan holda salomatligini mustahkamlash, jismoniy tayyorgarlik va morfologik ko'rsatkichlari asosida tashkil qilish masalalari etarlicha o'rganilmagan.

Aytib o'tilgan muammolarni echish uchun bir nechta vazifalarni amalga oshirish zarur bo'ladi:



- birinchidan talabalarning qaysi sport turi bilan shug'ullanishga bo'lgan qiziqishlarini hamda morfofunktsional ko'rsatkichlari, jismoniy va sport tayyorgarligi darajasi dinamikasini aniqlash;

- ikkinchidan talabalarning jismoniy rivojlanish va jismoniy tayyorgarlik darajasini, morfofunktsional ko'rsatkichlarini aniqlash uchun integral shkala ishlab chiqish;

- uchinchidan tayyorgarlik darajasi har xil bo'lgan talabalar bilan olib boriladigan mashg'ulot texnologiyalarini ishlab chiqish kerak bo'ladi.

Buning ahamiyati shundan iboratki talabalarni jismoniy tarbiyalash jarayonida tabaqalashtirishga doir ishlab chiqilgan texnologiyaning o'quv-mashg'ulotlarga joriy etilishi ularning jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga bo'lgan qiziqishlarini muhim darajada kuchaytirishga, ta'lim oluvchilarning jismoniy hamda sport-texnik tayyorgarlik darajasini oshirishga imkon beradi.

Shuning uchun jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari jarayonida shug'ullanuvchilarning individual xususiyatlarini hisobga olish asosida zarur amaliy ko'nikmalar, malakalar, umumiy va maxsus jismoniy sifatlarni shakllantiruvchi ma'lum bir sport turlaridan foydalanish lozim.

**Xulosa.** Har xil mashq turlarining har bir uyg'unligi organizmga alohida ta'sir ko'rsatadi, ham xususiy, ham kompleks tarzda o'rganishga loyiq. Ushbu tasniflashga va harakat ko'nikmalari hamda malakalarning takomil-lashuvini belgilab beruvchi asosiy uslubiy qoidalarga tayanib, oliy o'quv yurtlarining talabalarini jismoniy tarbiyalash muammosini hal etish maqsadida sport turlarini asoslangan holda maqsadli tanlashni amalga oshirishlari mumkin.

Har xil sport turlaridan keng foydalanish talabalarning ularga bo'lgan yuqori qiziqishi, sport mashg'ulotlarining ijobiy emotsional va sog'lomlashtirish samarasi bilan qiziqarlidir. Biroq agar bunday sport mashg'uloti talabalarni kasb faoliyatiga tayyorlash maqsadida o'tkaziladigan bo'lsa, unda har bir talaba uchun, uning ushbu sport turiga bo'lgan qobiliyati darajasidan qat'iy nazar, mashg'ulotlarning engil bo'lishi ta'minlanishi lozim. Shuni ham hisobga olish lozimki talabalarni sport turlariga tanlashda va jismoniy sifatlarini tarbiyalashda to'g'ri uslub qo'llanilmasa, kutilgan natijalarga erishib bo'lmaydi. Ya'ni sport mashg'ulotlarining noto'g'ri yo'lga qo'yilishi har qanday sport turi bo'yicha uning amaliy mohiyatini yo'qqa chiqarishi mumkin.

#### **Adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasining "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi 394-sonli Qonuni (yangi tahriri). 2015 yil 5 sentyabr. "Xalq so'zi" gazetasi 174-son.

2. Axmatov M.S. Uzluksiz ta'lim tizimida ommaviy sport-sog'lomlashtirish ishlarini samarali boshqarish. Monografiya. Toshkent.: O'zDJTI. 2005, - 235 b.

3. Salomov R.S. Sport mashg'ulotining nazariy asoslari. T., O'quv qo'llanma. O'zDJTI, 2005, 238 b.

4. Seytxalilov E.A. Ta'lim sifati ustuvorligi - o'zgarmas talab. "Fan - sportga", T., 2004, 1-son, 20-24-betlar.

5. Masharipov F.T. Voleybol mashg'ulotlarida talaba qizlarni jismoniy rivojlantirishning tabaqalashtirilgan uslubiyati. Monografiya. Toshkent. "Fan va texnologiya". 2012. - 104 b.

6. Masharipov F.T. Fizicheskaya podgotovka studentov na osnove sredstv voleybola G‘G‘Jismoniy tarbiya va sport sohasida ta‘limnig hozirgi zamon muammolari: Respublika ilmiy-amaliy anjumani, ilmiy tezislar to‘plami.- Toshkent, 2007. – С. 7-8.

**Резюме**

*Мақолада ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш муаммолари ёритилган, шунингдек, жисмоний тарбия кўрсаткичлари ва тайёргарлик даражасини мониторинг қилиш масалалари муҳокама қилинади.*

**Резюме**

*В статье освещаются проблемы привлечения студенты в занятие физическим воспитанием и спортом, а также рассматриваются вопросы контроля показателей физического воспитания и уровня подготовки.*

**Resume**

*The article describes the problems of students involvement in pusikal education classes and sport. It also considers the inspection of pusikal education indicators, the level of organization and implementation, tasks and the means of training.*

**Калим сўзлар:** таълим муассасалари, талаба, жисмоний тарбия, спорт фаолияти, жисмоний тайёргарлик, морфофункционал кўрсаткич.

**Ключевые слова:** учебным заведениям, студент, физической культура, спортивные занятия, физической подготовленность, морфофункциональной показатель.

**Key words:** institution of lefrning, students, phusical education, sport classes, pusikal preparation, morph-funktional indicatjrs.

УДК. 75.715.

## **TALABA YOSHLARNING JISMONIY TARBIYA VA SPORTDAGI FAOLIYATINI TASHKIL ETISH USULLARI**

**Kenjaev Jur‘at Shuxratovich**

*Urganch davlat universiteti*

**Kirish.** Respublikamizda jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish, aholi o‘rtasida sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish, hamda mamlakatning xalqaro sport maydonlarida munosib ishtirok etishini ta‘minlash borasida izchil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Aholini ayniqsa yoshlarni jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug‘ullanishi uchun hamda ularni salomatligini mustahkamlash borasidagi qonunchilik tizimining yaratilishi va bu orqali faoliyatlar ko‘lamini yaxshilash masalalari davlatimizning asosiy e‘tiborida bo‘lib kelmoqda.

O‘zbekiston mustaqillikka erishgach barcha sohalar kabi jismoniy tarbiya va sport sohasida ham tubdan islohotlar olib bordi. Jumladan “Ta‘lim to‘g‘risida”gi Qonun doirasida olib borilayotgan ishlar ta‘lim muassasalari talaba yoshlarining ta‘lim olishlariga doir masalalarini to‘la amalga oshirishda muhim ahamiyat kasb etgan bo‘lsa, “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni esa, ularning jismoniy tarbiya va sportdagi faolligini oshirishga turtki bo‘ldi [1].

Ushbu qonun hujjatlariga muvofiq ta‘lim muassasalari, talaba yoshlarning jismoniy tarbiya va sport bilan shug‘ullanishlari va sport musobaqalarida ishtirok etishlari uchun shart sharoitlar yaratib bermoqda. Shu bilan birga ularning jismoniy

tayyorgarligini hamda jismoniy rivojlanish darajasini oshirish uchun tashkiliy-uslubiy yondashuvlar takomillashtirilmoqda.

**Muhokama va tahlil.** Talaba yoshlarning ta'lim olish jarayonida jismoniy tarbiya – ham o'quv fani, ham butun bir pedagogik jarayonning kichik bir tizimi sifatida muhim ahamiyat kasb etadi. Biroq hozirgi kunda ta'lim muassasalari talabalarini jismoniy tarbiyalash, sog'lomlashtirish va sportda yuqori natijalarga erishish uchun eski qotib qolgan tashkiliy-uslubiy dasturlar asosida ta'lim berish ushbu masalaning to'laqonli hal etilishini ta'minlamaydi [2].

Ushbu muammolarni hal etish yo'llaridan biri, jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarida har bir talabaning shaxsiy qiziqishlari va ehtiyojlarini maksimal darajada qondirishga, ularning jismoniy rivojlanish va tayyorgarlik darajasini to'liq hisobga olgan holda tashkil etilganda ijobiy natijalarga erishish mumkin. Buning uchun oliy ta'lim muassasalarida sport mashg'ulotlarini tashkil qilishda mashg'ulotlar maqsadi, vazifalari, vositalari, shakllari hamda mashg'ulot olib borish texnologiyalarini ishlab chiqish fzarur. Bu talabalarning jismoniy imkoniyatlarini rivojlantirish jarayonini optimallashtirishga imkon yaratadi, ularning samarali kasb-amaliy tayyorgarligini ta'minlaydi.

Hozirgi paytda jismoniy tarbiyaning tarbiyaviy, intellektual, ijtimoiy-psixologik, jismoniy jihatlarni hal etishdagi potentsial imkoniyatlari hamda talabalarni jismoniy tarbiyalash tizimini shakllantirishning pedagogik asoslari etarlicha ishlab chiqilmagan. Oliy ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiyani tashkil qilishda talabalarning salomatlik holati, jismoniy rivojlanishi va tayyorgarligi darajasi, oliy o'quv yurtlari sharoitlari, bo'lajak kasb faoliyati xususiyatini hisobga olgan holda amalga oshirish lozim.

Oliy o'quv yurtlarida jismoniy tarbiya bo'yicha o'quv dasturini amalga oshirishda talabalar me'yoriy test talablarini to'la to'kis bajara olmayotganliklari kuzatilmoqda. Bu esa pedagoglarni, talabalar jismoniy tarbiya jarayonini tashkil etishning yangi shakllari va uslublarini izlashga, ularning har xil sport turlari bilan shug'ullanishga bo'lgan ehtiyojlarini o'rganishga, o'quv jarayoniga tatbiq etishning mumkin bo'lgan variantlarini ishlab chiqishni toqozo etadi.

Talabalarga mashg'ulot jarayonini tashkil qilishda tabaqalashtirilgan metod orqali yondashish mashg'ulot samaradorligini oshiradi. Uning mohiyati shundan iboratki, o'quv materiali har bir o'quv bo'limi uchun talabalarning jinsi, jismoniy rivojlanishi, jismoniy va sport-texnik tayyorgarlik darajasini hisobga olgan holda tayyorlanadi [2]. Amaliyotda esa talabalarning individual xususiyatlarini hisobga olish, ularni salomatlik holati bo'yicha asosiy, tayyorlov va maxsus guruhlarga taqsimlash bilan chegaralaniladi.

Yuqorida aytib o'tilgan muammolar o'rganib chiqilganda, hozirga qadar oliy o'quv yurti jismoniy tarbiya va sport nazariyasi va amaliyoti muammolariga bag'ishlangan bir qator ilmiy tadqiqotlar bajarilgan bo'lib, talaba yoshlar jismoniy tarbiya jarayonini tashkil qilishda tabaqalashtirilgan yondashuvdan foydalanishning ilmiy-nazariy va amaliy asoslari hamda uslublari bayon qilingan. Biroq o'rganilgan manbalarda talabalarning xohish-istaklarini hisobga olgan holda

salomatligini mustahkamlash, jismoniy tayyorgarlik va morfologik ko'rsatkichlari asosida tashkil qilish masalalari etarlicha o'rganilmagan.

**Ishning asosiy mazmuni.** Aytib o'tilgan muammolarni echish uchun bir nechta vazifalarni amalga oshirish zarur bo'ladi:

- birinchidan talabalarning shaxsiy xohish-istaklari ustuvorligini hamda morfofunktsional ko'rsatkichlari, jismoniy va sport tayyorgarligi darajasi dinamikasini aniqlash;

- ikkinchidan talabalarning jismoniy rivojlanish va jismoniy tayyorgarlik va morfofunktsional ko'rsatkichlarini aniqlash uchun integral shkala ishlab chiqish;

- uchunchidan tayyorgarlik darajasi har xil bo'lgan talabalar bilan olib boriladigan mashg'ulot texnologiyalarini ishlab chiqish kerak bo'ladi.

Buning ahamiyati shundan iboratki talabalarni jismoniy tarbiyalash jarayonida tabaqalashtirishga doir ishlab chiqilgan texnologiyaning o'quv-mashg'ulotlarga joriy etilishi ularning jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga bo'lgan qiziqishlarini muhim darajada kuchaytirishga, ta'lim oluvchilarning jismoniy hamda sport-texnik tayyorgarlik darajasini oshirishga imkon beradi.

Shuning uchun talabalar bilan o'tkaziladigan sport sektsiya jarayonida shug'ullanuvchilarning individual xususiyatlarini hisobga olish asosida zarur amaliy ko'nikmalar, malakalar, umumiy va maxsus jismoniy sifatlarni tanlab shakllantiruvchi ma'lum bir sport turlaridan foydalanish lozim.

Bir qator tadqiqotchilarning ishlari talabalarni jismoniy tarbiyalash vazifalarini kompleks holda hal etish maqsadida alohida sport turlarini tavsiya etish uchun tegishli tasniflardan foydalanish mumkinligini ko'rsatdi [3].

*Birinchi guruh mashqlari* harakat koordinatsiyasini ustuvor takomillashtirish. Bu guruhga akrobatika, sport va badiiy gimnastikasi, suvga sakrash hamda shunga o'xshash sport turlari kiradi. Birinchi guruh mashqlari insonda "mushakni sezishni" propriotseptiv analizatorni, gavdaning fazodagi turli harakatlarida to'liq mo'ljal ola bilish qobiliyatini rivojlantiradi, alohida mushak guruhlarining rivojlanishiga yordam beradi. Bu guruhdagi sportchilarga kuch, tezkorlik, egiluvchanlikni namoyon qilishda har xil talablar qo'yiladi.

*Ikkinchi guruh mashqlari* tsiklik harakatlarda ko'proq yuqori tezlikka erishish. Bu mashqlar guruhiga engil atletika yugurishi, velosiped sporti va h.k. Bu sport turlarining eng asosiy yo'nalishi – yuqori harakat tezligiga erishish. Ikkinchi guruhning har bir turida masofa bo'ylab harakat qilish tezligi nafaqat tsiklik harakatlarning (texnikaning) o'zining takomillashti-rilishiga, balki sportchining toliqishni engib o'tish qobiliyatiga ham bog'liq.

*Uchinchi guruh mashqlari* kuch va harakat tezligini takomillashtirish. Bu guruhning jismoniy mashqlari maksimal kuch kattaligiga erishishga yo'naltirilganligi bilan ajralib turadi. Ularni bajarishda sportchi-larning harakat apparati eng katta yuklamalarga (muvofiq ravishda rivojlanishga) duch keladi. Bu ikkita chekka variantlarda amalga oshiriladi. Birinchisi – harakat paytidagi siljiyotgan og'irlikni maksimal oshirish qobiliyatini takomillashtirish hisobiga (masalan, og'ir atletika mashg'ulotlari uchun). Ikkinchisi – siljiyotgan

og'irliklarning ma'lum kattaligida tezlanishni maksimal oshirish yo'li orqali (engil atletikadagi uloqtirish, sakrashlar).

*To'rtinchi guruh mashqlari* raqib bilan bevosita kurash olib borayotgan vaziyatda harakatlarni takomillashtirish. Atsiklik mashqlarning ushbu guruhiga kiruvchi sport o'yinlari va har xil yakkakurash turlari (boks, kurash, qilichbozlik va h.k) analizatorlar vazifasini takomillashtirishga, raqib bilan bevosita kurashish jarayonida keng qamrovli o'zgaruvchan axborotni tez "o'zlashtirib olish"ga qaratilgan.

Asta-sekin ushbu sport turlari bilan shug'ullanuvchining jismoniy sifatlari kompleksi va tasodifiy harakatlarga bo'lgan qobiliyati takomillashtiriladi. Mashqlar jarayonida fiziologik yuklamalar o'ta o'zgaruvchan, lekin umuman olganda ular ancha katta. Mashqlar bilan bog'liq his-hayajonlar alohida e'tiborni taqozo etadi, chunki ular jismoniy yuklamalarning organizmga ta'sirini ancha kuchaytiradi.

*Beshinchi guruh mashqlari* turli harakatlanish vositalarini boshqarishni takomillashtirish. Bu mashqlar guruhi (mototsikl, ot sporti) fiziologik nuqtai nazardan juda kam o'rganilgan. Lekin uning amaliy ahamiyatga ega ekanligi shubhasiz.

Sportchilar harakatlarining o'zi atsiklik xususiyatga ega, ko'proq kichik shiddatli. Ularni bajarish uchun markaziy asab tizimini ancha zo'riqtirish taqozo etiladi. Chunki bunda kechayotgan harakatlar va vaziyatlarga nisbatan ilgariroq harakat qilish lozim bo'ladi. Bu mashqlar sabr-toqat, sovuqqonlik, jasurlik, tashabbuskorlikni tarbiyalaydi va ularni bajarish uchun koordinatsiya, tezkorlik, kuch hamda chidamlilikni etarlicha namoyon qilish taqozo etiladi.

